

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

АЗИМОВА МУҲАЙЁ МУРОТДИЛЛОЕВНА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ
ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ВА
ЖАҲОН МУЗЕЙШУНОСЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

5A150204-Музейшунослик, (тарихий-маданий объектларни консервация
қилиш, таъмирлаш ва сақлаш)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

п.ф.н., доцент, Азимов Б.Б

Бухоро – 2020

Диссертация Бухоро давлат университети “Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

п.ф.н., доцент, Азимов Б.Б.

Кафедра мудири

п.ф.н., доцент, Ядгоров Н.Дж.

Магистратура бўлими бошлиғи

ф.м.ф.ф.д (PhD) А. Тўраев

“ Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти такомиллашувининг илмий-амалий асослари ва жаҳон музейшунослигидаги тутган ўрни” мавзусидаги магистрлик диссертацияси

АННОТАЦИЯ

Таянч сўзлар: музей,экспонат, музейшунослик, экспозиция, фонд, ҳисобга олиш сектори, тадқиқот, тарихий ёдгорликлар,туризм, фаолият, такомиллашув, илмий-амалий, университет, қатағон қурбонлари, ёш авлод.

Тадқиқот объектлари: Мазкур диссертациянинг тадқиқот объекти БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг экспозицион, илмий ва фонд фаолияти билан боғлиқ жараён ва муаммолар, музейнинг асос солинганидан кейинги такомиллашуви босқичларининг илмий-амалий асослари ҳамда унинг университет тараққиётида тутган ўрнини ўрганишдан иборат.

Ишнинг мақсади: Мазкур диссертациянинг мақсади БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи мисолида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолияти такомиллашувининг илмий-амалий асосларини очиб бериш, ҳамда ушбу музейнинг жаҳон музейшунослигида тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Тадқиқот методлари: БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини назарий таҳлил қилиш, музей томошабинлари фикри билан яқиндан танишиш, қиёсий-таҳлилий ва танқидий методлар асосида, ҳолислик ва илмийлик тамойилларига таяниб тадқиқотни амалга ошириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқот жараёнида БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейинингэкспозицион, фонд ва илмий фаолияти маҳаллий музейшунослик тарихида биринчи маротаба атрофлича таҳлил қилинди.Ушбу“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи экспонатлари

ўрганилиб, махсус тадқиқ этилмаган буюмларнинг илмий-тавсиф паспорти тайёрланди ва музейга топширилди.

Амалий аҳамияти: Мазкур тадқиқот ишининг амалий аҳамияти БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида сақланадиган ва илгари илмий тадқиқот объекти сифатида жалб этилмаган экспонатларнинг ҳужжатлаштирилиши, уларнинг тегишли музей экспозициясига жойлаштирилиши ва махсус таг ёзув (этикетаж) билан таъминланганлиги, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган музей фаолиятини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш тавсияларининг амалий тадбиқ этилишидан иборат.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот мавзуси доирасида республика миқёсидаги анжуманларда 2та илмий тезис, халқаро конференция илмий тўпламида 1та илмий мақола ва чет эл илмий журналарида 1та илмий мақола эълон қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Мазкур тадқиқот натижаларидан БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини такомиллаштиришда, шунингдек, “Тарих” таълим йўналиши “Музейшунослик” ва “Ўлкашунослик”, ҳамда “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” таълим йўналиши “Тасвирий санъат тарихи” ва “Таъмирлаш асослари” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш орқали фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш мумкин.

Илмий раҳбар

Магистратура талабаси

п.ф.н., доцент, Азимов Б.Б.

М.М Азимова

Магистрская диссертация на тему “Научно-практические основы совершенствования музейной деятельности за годы независимости и их роль в мировой музееведении”

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова: музей, экспонат, музееведение, экспозиция, фонд, сектор учета, исследование, исторические памятники, туризм, деятельность, совершенствование, научно-практический, университет, жертвы репрессий, молодое поколение.

Объекты исследования: Объектом исследования данной диссертации является изучение процессов и проблем, связанных с экспозицией, научной и фондовой деятельностью музея "Памяти жертв репрессий" в структуре Бухарского государственного университета, а также научно-практической основой совершенствования музея и его роли в развитии университета.

Цель работы: Целью данной диссертации является раскрытие научной и практической основы совершенствования музеев в Республике Узбекистан за годы независимости, а также их роли в мировом музееведении на примере музея "Памяти жертв репрессий" в структуре Бухарского государственного университета.

Методы исследования: Теоретический анализ деятельности музея «Памяти жертв репрессий» в структуре Бухарского государственного университета, знакомство с мнением посетителей музея, проведение исследований на основе сравнительно-аналитических и критических методов, основанных на принципах объективности и научности.

Полученные результаты и их новизна: В процессе исследования впервые в истории местного музееведения были детально проанализированы экспозиционная, фондовая и научная деятельности музея «Памяти жертв репрессий» в структуре Бухарского государственного университета. Также были

изучены экспонаты музея "Памяти жертв репрессий", подготовлены и переданы в музей научно-описательные паспорта ранее неисследованных предметов.

Практическая значимость: Практическая значимость данного исследования заключается в документировании экспонатов, хранящихся в музее "Памяти жертв репрессий" в структуре Бухарского государственного университета, которые ранее не привлекались в качестве объекта исследования, их размещении в соответствующей музейной экспозиции и подготовке специального этикетажа для них, а также в практической реализации рекомендаций о дальнейшем совершенствовании и расширении музейной деятельности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: В рамках исследования было опубликовано 2 научных тезиса в сборниках республиканских научных конференций, 1 научная статья в научном сборнике международной конференции, 1 научная статья в зарубежном научном журнале.

Область применения: Результаты данного исследования можно использовать при совершенствовании деятельности музея "Памяти жертв репрессий" в структуре Бухарского государственного университета. Также междисциплинарная интеграция может быть достигнута путем использования результатов исследования при преподавании предметов "Музееведение" и "Краеведение" студентам исторического факультета, а также "История изобразительного искусства" и "Основы реставрации" студентам направления «Изобразительного искусства и инженерной графики».

Научной руководитель

п.ф.н., доцент, Азимов Б.Б.

Магистрант

М.М Азимова

Master's degree thesis on the topic "Scientific and practical foundations of improving museum activity over the years of independence and their role in world museology"

ANNOTATION

Key words: museum, exhibit, museology, exhibition, storage, sector of records, research, historical monuments, tourism, activities, improvement, scientific and practical, university, victims of repression, the young generation.

Subjects of research: The research subject of this dissertation is the study of processes and problems associated with the exhibition, scientific and fund activities of the "Memory of repression victims" museum in the structure of Bukhara State University, as well as the scientific and practical basis for improving the museum and its role in the development of the university.

Purpose of work: The purpose of this dissertation is to reveal the scientific and practical basis for improving museums in the Republic of Uzbekistan over the years of independence, as well as their role in world museology using the example of the "Memory of repression victims" museum in the structure of Bukhara State University.

Methods of research: Theoretical analysis of the activities of the "Memory of repression victims" museum in the structure of Bukhara State University, acquaintance with the opinions of visitors to the museum, research based on comparative analytical and critical methods on the basis of principles of objectivity and science.

The results obtained and their novelty: In the process of the current research, the exhibition, storage and scientific activities of the "Memory of repression victims" museum in the structure of Bukhara State University were analyzed in detail for the first time in the history of local museology. Furthermore, the exhibits of the museum were also studied, and scientific descriptive passports of items that were not previously researched were prepared and transferred to the museum.

Practical value: The practical significance of this study lies in the documentation of selected exhibits stored in the "Memory of repression victims" museum in the

structure of Bukhara State University, which were not previously used as an object of research, their placement in the appropriate museum exhibition and the preparation of special labels for them, as well as in practical implementation of the recommendations for further improvement and expansion of museum activities.

Degree of embed and economic efficiency: Following scientific works were published in the scope of the research: 2 scientific theses of articles in collections of republican scientific conferences, 1 scientific article in the scientific collection of an international conference, 1 scientific article in a foreign scientific journal.

Field of application: The results of this research can be used to improve the activities of the “Memory of repression victims” museum in the structure of Bukhara State University. Furthermore, multidisciplinary integration can be achieved through implementation of the research results in teaching subjects, such as “Museology” and “Local lore” to the students of the historical faculty; and “History of Fine Arts” and “Basics of restoration” to the students of the “Fine arts and engineering graphics” department.

Research supervisor:

Azimov B.B

Graduate student:

Azimova M.M

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	1
I БОБ Мустақиллик йилларида музейлар фаоляти ва такомиллашуви	
1.1. Мамлакатимизда илк музейларнинг вужудга келиши.....	10
1.2. Мустақиллик йилларида музейлар фаоляти ва туризм.....	14
I боб бўйича хулоса.....	20
II БОБ Музейларнинг илмий-амалий асослари ва жаҳон музейшунослигида тутган ўрни	
2.1. Юртимиздаги музейларнинг илмий-амалий такомиллашуви.....	21
2.2. Ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг аҳамияти.....	25
2.3. Музей шаҳар Бухоронинг жаҳон музейшуносли ва туризм соҳасидаги ўрни.....	31
II боб бўйича хулоса.....	44
III БОБ Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаоляти	
3.1. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музей ҳамда унинг филиаллари.....	45
3.2. Бухоро давлат университетидаги музейларнинг университет фаолятидаги ўрни...56	
3.3. БухДу тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳамда унинг олиб борган фаоляти.....	61
III боб бўйича хулоса.....	68
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73
ИЛОВАЛАР.....	76

КИРИШ

Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз”

Ш. М. Мирзиёев.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг кўплаб соҳалар каби музейшунослик ва музейларга бўлган эътибор ҳам кучайиб уларни қайта таъмирлаш ва янги музейларни ташкил этиш каби ишлар олиб борилди. Музейлар мозийдан садо берувчи ва маданиятимизни сақловчи даргоҳ ҳисобланиб келажагимиз учун катта аҳамиятга эга. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишларни амалга оширдилар. Жумладан, 1994 йилда “Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилди. Натижада юртимиз тарихини ўзида тўлиқ акс эттирувчи 3 мингдан ортиқ асори атиқалар ва ноёб экспонатларга эга музей ташкил топди.

Бундан ташқари юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахсларимиз номини тиклаш ва уларнинг бой моддий-маданий меросни ёш авлодга етказиб бериш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1996 йил 18 октябрда буюк соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан юртимизда янги бир музей - Темурийлар тарихи давлат музейи ўз фаолиятини бошлади.

1997 йилда ўзининг салоҳияти ҳамда бадиий ижод соҳасида мутахассис кадрларни етказиб берувчи Марказий Осиёда ягона бўлган олий таълим муассасаси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилиб, Институт қошида эса илк бор музейшунос мутахассис кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналиш очилди. Бу албатта, Ўзбекистон тарихида музейшуносликнинг фан сифатида ривожланиши учун қўйилган тамал тоши бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Табиийки, тарих музейлари халқ ўтмиши ва хотирасининг ифодаси ҳисобланади. Истиқлол йилларида ташкил топган яна бир тарихий музей бу - “Қатағон қурбонлари хотираси” музейидир. 1999 йили Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилинди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Масалан: 1999 йил 12 майдаги, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилиб, Тошкентнинг Юнусобод туманида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. 2000 йил 12 май куни “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиши мамлакатимиз ва халқимизнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди.¹

2009 йилда Тошкентда алоқа тарихи музейи иш бошлаган бўлса, 2015 йилда эса минтақадаги илк бор Политехника музейи очилди. Бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳини музейлаштирилди.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризмни ривожлантириш борасидаги қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат

¹ Болтаев Б.Б. Музейшунослик. Бухоро: Дурдона, 2016.– 88 б.

бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим”.

Барчамизга маълумки туризм соҳаси заминида музейлар ва музей шаҳарлари ўрин эгаллайди. Бизнинг Бухоро ҳам шундай шаҳарлардан бири ҳисобланиб ўзининг неча минг йиллик тарихий обидалари билан бутун дунёни ўзига жалб этиб келмоқда, ҳозирда Бухоро шаҳрида Бухоро давлат музей кўрикхонаси ўзининг 11та филиали ва 5та доимий кўргазмалари билан фаолият кўрсатмоқда. Музей ва унинг филиалларининг кўргазмалари ва фондида 120 мингдан ортиқ осорий атиқалари жойлашган. Унинг 10 мингга яқин типик ва ноёб буюмлари доимий ва вақтинчалик кўргазмаларда кўрсатилади. Бундан ташқари Бухоро шаҳрининг ўзи очик осмон ости музейи ҳисобланиб кўҳна ва боқий Бухоро номи билан аталади.

Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳам яқин йилларда ўз фаолиятини бошлаган бўлишига қарамай қисқа фурсатларда катта мувофақиятларга эришиб улгурди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017-йил 22-ноябрда қабул қилинган қарорга кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бухоро давлат университетида ҳам ушбу қарор ижроси бўйича қатор ташкилий ва илмий изланишлар олиб борилиши натижасида 2018 йил 18май куни Бухоро Давлат уриверситети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Бухоро Давлат уриверситети тузилмасидаги ушбу музей Республикамизда биринчилар қаторида ташкил этилди. Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Музей экспозициясидан XIX асрга оид осори-атиқалар, қимматли архив ҳужжатлари, фото ва кино ҳужжатлар ўрин олган. Мустақиллик залида “Ислом Каримов бухороликлар хотирасида” деб ном олган экспозиция ҳам жой олган бўлиб, ушбу фоно ва ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом

Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги: Ёш авлод қалбида маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни беқиёс, бинобарин, бугунги кунда музейлар нафақат халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни сақлайдиган, намойиш қиладиган муқаддас маскан, балки таълим тизими ривожига, навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавият даргоҳи ҳамдир. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурига биноан 2017-2027 йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилгани бизни жуда қувонтирди. Чунки мазкур дастур ижроси барча музейларимиз моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишга катта имкон яратади.

Шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ушбу магистрантлик иши музей фаолиятинига оид кейинги йилларда чиққан қонун, низом, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: жумладан Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Музейларнинг аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг, 49-моддасида ҳам такидлаб ўтилган “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда маданият ишлари вазирлигининг буйруқларини ҳаётга изчил тадбик этиш, БухДу тузилмасидаги Қатағон қурбонлар хотираси музейи мисолида, яратилган экспозициялар ва

доимий кўргазмалари орқали ушбу юқоридаги вазифаларни бажариш долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, жумладан, «Фаол тадбиркорлик, инноватсион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинган: маҳаллий аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, сайёҳлар учун қулай инфратузилма яратиш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ички туризмни тизимли ривожлантириш; хорижий сайёҳларнинг ташрифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ҳисобига туризмни жадал ривожлантириш; мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфратузилмани шакллантириш, амалга ошириладиган диний маросимлар учун тегишли шароитларни яратиш орқали зиёрат туризмини соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш.²

Таъкидлаш жоизки, музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада қуйидаги мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди:

- музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.
- музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди.
- мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди.

² 2017-2021 йиллар Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони 1 илова // [http:// www/lex/uz](http://www.lex.uz)

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривождаги мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишига мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб янги музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгаллигини сингдирган ҳолда, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилмоқда экан бу борада ушбу магистрантлик ишининг долзарблиги янада ошади.

Тадқиқот объекти ва предмети: Мазкур диссертациянинг тадқиқот объекти БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг экспозицион, илмий ва фонд фаолияти билан боғлиқ жараён ва муаммолар, музейнинг асос солинганидан кейинги такомиллашуви босқичларининг илмий-амалий асослари ҳамда унинг университет тараққиётида тутган ўрнини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: : Мазкур диссертациянинг мақсади БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи мисолида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолияти такомиллашувининг илмий-амалий асосларини очиб бериш, ҳамда ушбу музейнинг жаҳон музейшунослигида тутган ўрнини ёритишдан иборат.

-мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва мамлакатимиздаги илк музейларнинг вужудга келиши.

-музейлар такомиллашувининг илмий амалий асослари ва ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти.

- Бухородаги очик ва ёпиқ турдаги музейлари ҳамда унинг жаҳон миқёси ва туризм соҳасидаги ўрнини кўрсатиш.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейнинг ташкил этилиши ва унинг филиаллари.

-Бухоро давлат университетидаги музейларнинг университет фаолияти ҳамда талабалар амалиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш.

-БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспонатлари ҳамда унинг олиб борган фаолиятини таҳлил қилиш.

-Қатағон қурбонлари хотираси музейига топширилган баъзи бир ўрганилмаган экспонатлар устида иш олиб бориб у ҳақидаги маълумотларни аниқлаш.

Илмий янгилиги: Тадқиқот жараёнида БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейинингэкспозицион, фонд ва илмий фаолияти маҳаллий музейшунослик тарихида биринчи маротаба атрофлича таҳлил қилинди.Ушбу“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи экспонатлари ўрганилиб, махсус тадқиқ этилмаган буюмларнингилмий-тавсиф паспорти тайёрланди ва музейга топширилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқотда асосланган ва масалалар қуйдагилардан иборат:

1.1868-1920 йиллар Чор Россияси босқини даврида Жадид миллий матбуоти ва янги усул мактабларининг вужудга келиши билан боғлиқ асосий сабаблар таҳлил қилинганлиги.

2. 1920-1991 йиллар Шўро даври қатағон кетган сулолалар ҳамда сургун қилинганларнинг ватан равнақи йўлида олиб борган фаолиятинингочиб берилганлиги.

3. 1991 йилдан Мустақиллик даври:

- Қатағон қурбонлари хотирасининг тикланиши,
- “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейининг ташкил этилиши,
- “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейининг вилоятлардаги филиалларининг ташкил этилиши,

- БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолияти,

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили): мустақиллик ишларида бир қатор тарихчи, санъатшунос ва музейшунос олимлар томонидан яратилган музейшуносликка оид тадқиқот, адабиётлар, уқув қўлланма, дарсликлар ҳамда даврий матбуот материаллари киради.

Ўзбекистон музейларининг мустақиллик давридаги фаолияти ва тараққиёти бўйича бугунги кунгача умумлаштирувчи асарлар деярли мавжуд эмас.

М.Бекмуродов, М.Рашидова, Р.Альмеев, Л.Ю.Маньковская Д.Курязова, Г.Фузаилова, М.Ҳасанова, И.Илалов³ ва бошқалар яратган, ўзбек ҳамда рус тилларида чоп этилган мақола, уқув қўлланма ва дарсликларда мустақиллик давридаги музейлар фаолиятига бағишланган. Ўзбекистон музейларига бағишланган илмий тадқиқотлар Р.В.Альмеев томонидан яратилган бўлиб, уларда танланган мавзу Бухоро музейлари мисолида маълум даражада ўрганилган⁴.

Мустақиллик ишларида нашр этила бошланган «Музейдан садо» журнали Ўзбекистонда фаолият қўрсатаётган музейларнинг тарихи ва фаолиятини ўрганишда катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Унда нашр этилган қатор илмий мақолалардан Ўзбекистонда мустақиллик давридаги музей ишини, давлат муассасалари тарихини еқритишда кенг фойдаланилди. Бу соҳадаги муаммолар бўйича етакчи

³ Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент, 2006. – 102 б.; Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусика, 2006. – 357 с.; Kuryazova D.T. Muzei ishi tarixi va nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – 160 б.; Фузаилова Г., Ҳасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008. – 192 с.; Маньковская Л.Ю. Бухара: Музей под открытым небом. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 1991. – 255 с.

⁴ Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.; Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма. 2007. – 268 с. ва б.

музеишунос мутахассислар, архившунос ва тарихчи олимлар томонидан катор илмий мақолалар езилган. Ж.Исмоилова, Н.Ҳабибуллаев, Қ.Иноятов, Р.Альмеев, Э.Ртвеладзе, Р.Фатхуллаев, У.Ермухаммедов, Л.Левтеева, И.М.Жабборов, Д.Раҳимова, Р.Қаюмов, Г.Дресвянская, Ш.Воҳидов ва Ж.Екубов ва бошқаларнинг илмий мақолалари шулар жумласидандир⁵. Ушбу мақолаларнинг ҳар бири музейшуносликка оид муаммоларга бағишланган бўлиб, муайян бир масalani еритган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини назарий таҳлил қилиш, музей томошабинлари фикри билан яқиндан танишиш, қиёсий-таҳлилий ва танқидий методлар асосида, холислик ва илмийлик тамойилларига таяниб тадқиқотни амалга ошириш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот жараёнида ўрганилган экспоналар музейга топширилди ҳамда уларни паспорти аниқланиб керакли экспонад сифатида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертатсия кириш, уч боб, умумий хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми ... бетни ташкил этади.

⁵ Альмеев Р. Музеишунослик ва маркетинг. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2005. – № 4 (32). – С. 12-13.; Дресвянская Г.Я. Музеишунослик ва общество. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2000. – № 1-2 (5-6). – С. 30-33.; Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2003. – № 1 (7). – Б. 10-12.; Исмоилова Ж. Музеишунослик – тарих қўлғуси. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2003. – № 2 (18). – С. 17- 78.; Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.; Қаюмов Р. Самарқанд давлат музейи қўриқхонасининг халқаро алоқалари. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11-12.; Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2006. – № 2 (30). – С. 34-37.; Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шелкового пути. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 1999. – № 3. – С. 8-13.; Фатхуллаев Р. Музеишунослик иида замонавий ахборот технологияси. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.; Ҳабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истиқболи. // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.; Ермухаммедов У. Нажотбахш қарор. // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29. Воҳидов Ш., Екубов Ж. Кичик масканларнинг улкан вазифалари // Музеишунослик ва маркетинг. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б. 18-20.

I БОБ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ

1.1. Мамлакатимизда илк музейларнинг вужудга келиши.

Музейлар фаолияти инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-аънавий мероси хусусида жуда ката билимлар беради. Музейлар фаолиятини ўрганиш натижасида келиб чиқадиган эстетик бадиий идрок қобилияти талабаларда оламни, ундаги мавжудотлар, воқеа-ҳодисаларни, атроф муҳитдаги жараёнларни турфа шакларда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади.

Музейлар тузилиши жиҳатидан икки хил бўлади: очик турдаги музейлар ва ёпиқ музейлар. Очик турдаги музейлар сирасига мамлакатимиздаги буюк тарихий шаҳарлари очик осмон остидаги ёдгорлик-архитектура, меъморий иншоотлар киради. Бунга кўхна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ундан ташқари Имом Бухорий, Аҳмадал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий ва бошқа улуғ алломалар хотираси шарафига бунёд этилган кошоналар, ҳайкал ва майдонлар ҳам очик турдаги музейлар ҳисобланади. Бу музейларда халқнинг кўп йиллик меъморий тажрибаси, билими, малакаси, маданияти ва маънавияти яққол намоён бўлади. Уларнинг қурилиш услубидан тортиб ишлатилган нақш ва бўёқларига томошабинда ҳайрат ва завқ ҳиссини уйғотади. Аجدодларимиз ва уларнинг давомчилари шу замоннинг моҳир уста ва меъморлари санъати бутун дунё аҳлини ўзига ром этган ҳолда ўзбек халқининг юксак маънавияти ва маданий ҳаётидан дарак бериб туради.⁶

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам жуда қадим даврлардан буён халқ руҳияти, турмуш шароитларини ўзида акс эттирувчи амалий санъат асарларини яратиб келган. Табиийки, моддий маданият маҳсули бўлган халқ амалий санъат асарлари ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтиб, авлодларнинг беқиёс маданий бойлигига айланиб бораверади.

⁶ .Бекмуродов.М.Б. Рашидова.М.Х. Музейшунослик. Ўқув қўлланма Тошкент 2005-6/7 б.

1992 йил ноябрь ойида Бухорода Ўзбекистонда биринчи марта темирчилик музейи очилди. 1992 йил декабрда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида очилган халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг Уй-музейи биринчи меҳмонларни қабул қилди. 1993 йил 3 сентябрда Тошкентда ўзбек аёллари ичидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима академик Хадича Сулаймонова музейи очилди. 1993 йил 1 сентябрда Тошкент Давлат техника университети қошида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Политехника музейи очилди. 10 сентябрда Тошкентда ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи, 21 сентябрда эса Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги Жабой Балимановнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берувчи музей фаолият бошлади. Шу йил ноябрь ойида Тошкентда очилган Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи ўз мухлисларини кутиб олди.

1994 йил май ойида Тошкент шаҳрида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти музейи, октябрда Ўзбекистон халқ рассоми Уста Муҳиддин Раҳимов ва унинг ўғли Акбар Раҳимовларнинг кўргазмали музейи очилди. Тошкентда 1996 йил майида Ўзбекистон гидрометеорология хизмати музейи ишга тушди. Шу йилнинг 30 ноябрида Тошкентда очилган Қимматбаҳо қоғозлар бозори тарихи музейига ташриф буюрган томошабинлар биринчи марта турли даврларга саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлдилар.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда очилган Темурийлар тарихи Давлат музейи Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий ва маънавий ишлар борасида йирик тарихий ва маданий ёдгорлик, илмий тафаккур маркази бўлиб қолди. Музей экспонатлари жуда катта тарихий қимматга эга бўлиб, Темурийлар даври руҳини беради. Музейга қўйилган тилла буюмлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбоши ва оддий жангчиларнинг кийим - бошлари, мусиқа асбоблари, ўша даврга хос жиҳозлар, Амир Темур, Бобур қўлёзмалари, Улуғбекнинг астронмик қурилмалари ва бошқа маданий бойликлар шулар жумласидандир.

1996йил 1 сентябрда Тошкентда Осиёда ноёб ва ягона бўлган Олимпия шон-шуҳрат музейи очилди. Бу музей-ўзбекистонлик спортчиларнинг турли жаҳон мусобақаларида қўлга киритган муваффақиятларини, медалларини фақат намоёниш этадиган жойгина бўлиб қолмай, балки мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази ҳам бўлиб қолди.

Республика Қуролли Кучлари Марказий музейи ўз фаолиятини 1965 йилда бошлаган. Музейнинг экспозициялари дастлаб ҳозирги Марказий офицерлар саройи биносига жойлаштирилган эди. 1975 йилга келиб эса, музейнинг махсус биноси 4 ой ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда умумий майдони 3 минг квадрат метрни ташкил этган музей биносида 7 мингдан зиёд тарихий экспонатлар жойлаштирилган. 1997 йилда музей экспозициялари тубдан янгиланиб, қайта таъмирланди.

«Қорақалпоғистон республикаси Ўлкашунослик музейи» бундан 90 йил аввал ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида у маданий –маърифий марказга айланди. Марказий Осиёдаги маданият ва маърифат муассасалари ичра биринчи қалдирғочлардан ҳисобланган, ушбу даргоҳ халқ тарихи музейлари, ўсимликлар ва табиат оламини тарғиб этиб келаётир. Бу ердаги ҳар бир буюмдан тарих нафаси уфуриб туради. 2004 йилнинг кузида музейнинг 75 йиллик юбилеи нишонланди. Шу муносабат билан экспонатлар, коллекциялар рекламасининг турли шакллари, афишалари-ю тавсиялар, каталоглар, музей рамзи туширилган нишонлар тайёрланди.

И.В. Савицкий номли Давлат санъат музейи: Бу музей мусаввир, археолог, ҳайкалтарош И.В.Савицкийнинг номини Қорақалпоғистонда алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олишади. У бутун умрини Қорақалпоғистон халқи санъатини ўрганиш, бойитишга бағишлайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса, дунё санъати дурдоналарини тўплашдек машаққатли ишга бел боғлади. Қирғинбарот бўлаётган жойга бориб, кўплаб санъат асарларини уруш оловларидан омон сақлаб, қўлга киритиб, соғ-омон олиб келди ва бу билан республика санъат музейининг яратилишига асос солди. Унинг меҳнатлари қадрланиб вафотидан сўнг, давлат

санъат музейи И.В. Савицкий номи билан аталди. Бу фидойилик мустақиллик йилларида алоҳида тақдирланди. Музейнинг янги биноси қурилиши 30 йил мобайнида битмай келганди. 2002 йилда ҳукуратимиз томонидан 1миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Жаҳоннинг энг зўр музейлари билан бемалол беллаша оладиган бино бутунлай қуриб битказилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Халқимизнинг ўзига хос санъатини қадим ўтмишдан тортиб, ҳозирги кунимизгача бўлган тараққиёти тарихи экспонатларда акс эттирилган Савицкийдан мерос бўлиб қолган санъат эса музейнинг бебаҳо мулкига айлантирилди.⁷

Мамлакатимизда бу музейлардан ташқари яна кўплаб катта-кичик музейлар бўлиб, улар халқ маданияти ва маънавияти йўлида фаолият юргизмоқда. Юртимизда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистонда музейлар ривожига 1998 йил 12 январда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги қонун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, шундан кейин музейлар давлат муҳофазасига олинди, ҳамда музейларни янада ривожлантириш ҳақида дастур ишлаб чиқилди ва улар давлат бюжети томонидан қўллаб қувватланди. 1999 йил музейлар ҳаётидан хабар берувчи “Мозийдан садо” журнали ташлил этилди. Бу журнал уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилида чоп этилди.⁸

Бундан ташқари музейлар фаолияти тўғрисида кўплаб норматив ҳужжатлар ва қонун-қарорлар қабул қилинди. 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Музейлар тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқимиз маънавий – ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини ўрганиш, авайлаб асраш,бойитиб бориш ва дунёга олиб чиқиш имконини берди. 2009 йилда Тошкентда алоқа тарихи музейи иш

⁷ Ўзбекистонда илк музейлар фаолияти.//www.Lext.uz

⁸ Музейлар тўғрисида қабул қилинган қарорлар.//www.Lext.uz

бошлаган бўлса, 2015 йилда эса минтақадаги илк бор Политехника музейи очилди.⁹ Бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги “ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оксарой қароргоҳи музейга айлантирилди ва 2019 йил Биринчи президентимиз тавваллуд кунлари 30 январда очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда яна “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги 2017-йил 31-майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Қарорга кўра «2017 - 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан, имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ишлар олиб бориш тўғрисида қонун қабул қилинди.¹⁰

1.2.Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм.

Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихига назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, ананалар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий ҳол. Бу борада эса музейларнинг ўрни бекиёс. Чунки улар ўтмишдан келган маданият, марифат, табиат ёдгорликларининг яхлид

⁹ Музейшунослик ривожининг янгиликлари. [//www.islomkarimov.uz](http://www.islomkarimov.uz)

¹⁰ “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”2017-йил 31-майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори. [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)

тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги тартиртибларга мувофиқ сақланади ва намоёиш қилинади.

1977 йилдан буён дунёда ананавий тарзда 18 май Халқаро музейлар куни сифатида нишонланиб келмоқда. Мустақиллик йилларида тарихий меросимизни ўзида сақловчи муассаса ҳисобланган музейлар ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Юртимиз кўплаб авлиёлар, олимлар ва даҳолар туғилиб яшаган жаннатмакон ўлка ҳисобланиб, унда туризм соҳаси ҳам кенг миқёсда ривожланган. Ўзбекистон туризм соҳасига нисбаттан янги бўлсада у ривожланишда кўпгина соҳалардан олдинга чиқиб олди. Халқаро туризм ривожланиши учун бизнинг диёр жуда катта салоҳиятга эга. Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз томонидан туризм соҳасида янги тамойиллар ишлаб чиқилди. 1992 йил 27 июл Ўзбекистон Республикаси. Компаниянинг асосий вазифаси туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга биринчи презденти фармони билан “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил этилди ошириш ва туризмни ривожлантиришнинг миллий модулини яратишдан иборат. 1993 йилдан буён бизнинг давлат “Халқаро туризм” ташкилоти (UNWTO)нинг аъзоси ҳисобланади. 2004 йилдан (UNWTO)нинг Самарқандда трансконтинентал магистрал туризмни координатцияси билан шуғулланувчи офиси фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли Темурийлар даври тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги Археология музейининг очилиши ҳукуматимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилди. Янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг узоқ уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам ўзбек юрти ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий равишда кўпларни ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлди. Бирок, мазкур тазйиқларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради.¹¹

Музей ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (музейларнинг кўпчилиги асосан шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўяди, уларни оммавий музейлар деб ҳам юритишади); тадқиқот (илмий-тадқиқот институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди) ва ўқув музейларига, йўналиши ва коллекцияларига қараб тармоқ, ўлкашунослик (комплекс) ва мемориал музейларга бўлинади. Тармоқ музей ишлаб-чиқариш, фан, санъатнинг бирор тармоғига тегишли бўлади (масалан, тарих музейлари, зоология музейлари). Ўлкашунослик музейлари муайян маъмурий ҳудуднинг тарихи, табиати, ҳўжалиги, санъати, этнографияси ва бошқа соҳаларини комплекс акс эттиради. Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади.¹²

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз презденти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасида туризмни ривожлантириш борасидаги қуйдаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири-бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасига улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти Юнеско рўйхатига киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим”.

¹¹ Бекмуродова М.Б. Рашидова М.Х. Музейшунослик. Тошкент, 2005 йил

¹² Болтаев Б.Б. Музейшунослик. Бухоро: Дурдона, 2016 йил

Замонавий иқтисодиётнинг янги ва истиқболли бўғини туризм ҳисобланади. Сўнги пайтларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш орқали юртимиз иқтисодиётини юқори босқичларга кўтариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса буюк ва навқирон ўтмишимиз тарихимизни намоён этувчи очик осмон остидаги музей шаҳар деб ном қозонган тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш оммавий ҳаракатга айланмоқда. Бу борада “Очик осмон остидаги музей” дея эътироф этилган қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро ва Хивада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, жумладан, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинган:

Маҳаллий аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, саёҳлар учун қулай инфра тузилма яратиш, ҳудудларнинг саёҳлик саёҳатини кенг тарғиб қилиш орқали ички туризмни тизимли ривожлантириш;

Хориж саёҳларининг ташрифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига туризмни жадал ривожлантириш;

Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объекларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфра тузилмани шакллантириш, амалга оширадиган диний маросимлар учун тегишли шароитларни яратиш орқали зиёрат туризмини соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада қуйдаги мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди:

-музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди.

-музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди.

-мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди.¹³

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривождаги мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эғалигини сингдирган ҳолда, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шаҳрига қилган ташрифида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга. 2018 йилда вилоятда туризмни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ 61 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган эди. Жумладан, 32 меҳмонхона, 12 мотел, 10 истироҳат боғи барпо этилиб, “Бухоро Палас”, “Варахша” ва “Зарафшон” меҳмонхоналари реконструкция қилинмоқда. Бундан ташқари, туризм бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторанлар куриш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари харид қилиш, маданий мерос объектларини тадбиркорларга ижарага бериш, ҳаво шарида саёҳатни ташкил қилиш, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмини йўлга қўйиш

¹³ Музей ва туризм ривожининг янги босқичлари //www.muzey.uz

режалаштирилди.

Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарига шаҳарнинг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, тарихий обидаларни қамраб олган Бухоро шаҳар кичик халқа йўли ҳамда пиёдалар йўлаклари қурилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция қилинди, Мир Араб мадрасаси бино ва иншоотлари, туристларга хизмат кўрсатувчи автоуловлар, инфратузилма объектларини кўздан кечирилди.¹⁴

¹⁴ Ш.М.Мирзияевнинг Бухорога ташрифи.//www.google.com

1 боб бўйича хулоса: Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мамлакатимизда илк музейларнинг вужудга келиши, узоқ ўтмишимизга бориб тақалади, яъни ота боболаримиз бизга қолдирган, маданият ўчоқлари, қадимий қўлёзмалар, осори-антиқалар, меъморий обидалар бўлиб, улар бизларга ҳамиша кимлигимизни эслатиб, ўзлигимизни йўқотмай ота-боболаримиз қатори ватан учун фидоий инсон бўлиб етишишимиз йўлида хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм юқори даражада илгарилаб ўсди, албатта буларнинг барчасига кўплаб машаққатлар билан эришилди. Бу машаққатлар ортида президентимизнинг олиб борган ишлари катта аҳамиятга эга, чунки улар ватанимизнинг равнақи ва тинчлиги йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамдўстлик ҳамда манфаатли шартномаларни имзолаб, халқимиз учун кўплаб имкониятлар йулини очиб бермоқдалар, шунинг учун бизлар бу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиб ватанимиз равнақи йулида хизмат қилмоғимиз лозим деб ўйлайман.

II БОБ МУЗЕЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ВА ЖАҲОН МУЗЕЙШУНОСДИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Юртимиздаги музейларнинг илмий-амалий такомиллашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро давлат музей – қўриқхонаси, "Арк" вилоят ўлкашунослик музейи ва "Ситораи Мохи-Хосса" амалий безак санъати музейи филиалларида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш учун инновацион SMART технологиялари ўрнатилди.

Ушбу қурилма уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) келган сайёҳларга музейлардаги барча экспонатлар ҳамда бинолар тарихи ҳақида маълумот беради. Ундан фойдаланиш учун оддий қўл телефони кифоядир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, 2018 йилнинг 26 август куни «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолаган эди.

Унга кўра, Музейлар реновация дастурини жорий этишнинг асосий мақсадлари қуйидагича:

- музейлар бюджетининг камида 30 фоизини тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали, шунингдек, музейлар бюджетининг камида 15 фоизини хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи ўзини ўзи таъминлаш принципига асосланган музейларни молиялаштириш моделини жорий этиш;
- музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан, «smart»-технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказоларни) жорий этиш;

- аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш учун музейларнинг маъмурий тузилмасини такомиллаштириш;
- ходимларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни энг яхши жаҳон амалиётларига мувофиқ музейларнинг раҳбар лавозимларига очик танлов асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш;
- Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;
- музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш;
- музейларда академик тадқиқотларни, шу жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш орқали маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш.

Шунингдек, Реновация дастури Ўзбекистон амалий санъат музейида (Тошкент шаҳри), И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида (Нукус шаҳри) ва Ойбекнинг уй-музейида (Тошкент шаҳри) амалга оширилади.

Реновация дастури Жамғарма, маҳаллий ҳамда хорижий донорлар ва меценатлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори зиммасига Реновация дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Маълумки музей ва тарихий обидалар туризм соҳасига бориб тақалади, музейшунослик соҳаси ривожланиши билан бирга туризм соҳаси ҳам ривожланиб боради, айниқса президентимиз Ш.Мирзиёев томонлардан ташкил этилган зиёрат туризмида бизнинг тарихий ёдгорликларимиз катта аҳамиятга эга.

Қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бетакрор маданияти ва анъаналари, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этиб келаётган мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туризм индустрияси ҳамда инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буни Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) томонидан “Саёҳат ва сайёҳлик саноатининг иқтисодий натижалари” бўйича ўтказилган тадқиқотларда республикаимиз сайёҳлик соҳаси жадал тараққий топаётган беш давлатнинг бири сифатида қайд этилгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, туризм нафақат иқтисодий ривожланиш ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, юрт фаровонлиги ва тараққиёти юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар 30 нафар сайёҳ мамлакат туризми соҳасида битта, унга турдош тизимларда эса иккита янги иш ўрнини яратишга туртки беради.

Ҳар йили юртимизга дунёнинг 70 давлатидан икки миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради. Улар учун маданий-тарихий туризм энг оммабоп бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, мавжуд 500 дан ортиқ туристик компанияларнинг 110 дан зиёди халқаро йўналишларда изчил фаолият олиб бораётгани сайёҳларни юртимизга кенг жалб этишда муҳим омил бўлаётир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида соҳани тартибга солиш ҳамда унинг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш учун зарур норматив-ҳукукий база яратилди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори соҳада туб бурилиш ясалишига, тараққиётда янги саҳифалар очилишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Бинобарин, қарор билан тизимда меъёрий-ҳукукий тартибга солишни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонга саёҳатларни арзонлаштириш, юртимизнинг барча ҳудудида туризмни ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш ва янги туризм объектлари ташкил этиш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур дастурга асосан, мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, замонавий дам олиш ҳудудлари, тўрт юлдузли меҳмонхона ва меҳмонхона мажмуалари, хорижий туристлар учун дам олиш масканлари, қолаверса, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги туризм ҳудудлари тажрибаси асосида Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида туризм ҳудудлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тоғ кластерларини босқичма-босқич ташкил этиш кўзда тутилди. Албатта, бу мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим ўринга эга.

Қарор билан тасдиқланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам ўрганиш тизимининг жорий этилиши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳамда ҳудудий кенгашларнинг ташкил қилиниши дастурдаги ҳар бир вазифанинг ижроси белгиланган муддатда сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, хорижлик туристлар учун виза тартиботини соддалаштириш ва зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича таклифларни мунтазам киритиб бориш ҳамда мазкур вазифани амалга ошириш бўйича доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳи тузилмоқда. Бу, айтиш мумкинки, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларга янада қулайлик туғдиради.

Қарорда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга самарали татбиқ этиш иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, меъморий ёдгорликлари ҳамда ноёб анъаналарини бутун жаҳонга танитишга ҳамда Ўзбекистон дунё давлатлари сайёҳлари учун энг сеvimли туристик йўналишлардан бирига айланишига хизмат қилади деб ўйлайман.

2.2. Ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг аҳамияти.

Она ватанимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, бутун халқ учун кўплаб соҳаларга йўл очилди, чунки у энди озод юрт, мустақил ватан, озод инсондек ўз ҳақ-ҳуқуқига эга ва ҳар бир соҳада ўзини намоён эта олади. Албатта, буларга эришишнинг ўзи бўлмасди, буларнинг барчасига катта машаққатлар эвазига эришишни талаб этарди. Биринчи навбатда, мустамлакачилик йилларида онгимиздан ўчирилиб ташланган миллий туйғуларни қайта тиклаш; иккинчидан, миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш учун унитилган тарихимизни қайта тиклаш; учинчидан, аجدодлар ҳурматини жойига қўйиш, ёш авлодни аجدодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурни юксалтириш буюк анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш; тўртинчидан, миллий қадриятларимиз мамлакатимизнинг жаҳонҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодга озод ва обод ватан қолдириши ҳамда халқ ўз тарихини, урф-одатларини,

маданиятини англаб олмоғи лозим эди ва бу борада ишлар кўплаб урушларни ўз бошидан кечирган қадимий обида ва ёдгорликларни тиклашдан бошланди. Шу жумладан, кўплаб қадимий ёдгорликларга эга бўлган Бухоро вилоятидаги етти пир зиёратгоҳлари, эски шаҳардаги мадрасалар, Арк қўрғони, Минораи Калон, Лаби Ҳовуз ва шу каби кўплаб обидаларни қайта қуриш ва тиклаш ишлари бошланди. Бу каби ишлар нафақат Бухорода, балки, бутун Ўзбекистон бўйлаб олиб борилди ва шу тариқа халқнинг тарихини, маданиятини ва ота-боболарининг ким эканликларини англаб олишга йўл очилди.

Мустақиллик йилларида музейларга бўлган эътибор ва талаб ортди. Бу, албатта, музейларнинг ижтимоий вазифалари билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд музейлар тизими янада такомиллашди, уларнинг халқимиз маънавий ахлоқий камолотида тутган ўрни ошди. Музей фондида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатлар авайлаб асраб урганилиб, бойитиб борилди ва дунёга олиб чиқилди.

Шу тариқа, мустақиллик йилларида музей тармоқларига эътибор катта бўлди. Музейларнинг тупловчилик ва ноширлик фаолияти ҳам ривожланиб ўсди. Музейларнинг тупловчилик фаолиятига илмий этнографик, археологик изланишлар натижасида топилган илмий асарлар, кўлёзмалар йиғилди. Бундан ташқари, республика миқёсида музейлар фаолияти махсус журналларда ёритиб борилди ва нашриётларда буклетлар, плакатлар чиқариш, кўргазмалар ташкил этиш ва услубий китобларда ёритиб бориш каби кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Шу билан бирга, ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбоблари уй музейлари мавжуд. Бу музейлар халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи, мозийдан садо берувчи ва маънавият масканлари бўлиб, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтирувчи улуғ қадамжолар бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтга келиб, инсониятнинг маънавий бойликлари алоҳида ажратилган жойларда сақланиб келинмоқда. Булар ичига, авваламбор, музейлар, галереялар ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Масалан; Жаҳондаги энг йирик музейлар қатори Ўзбекистонда ҳам машҳур музейлар мавжуд. Буларга; Тошкент шаҳрида қад кўтарган Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон давлат халқ амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи музейи, Самарқанддаги Ўзбекистон давлат тарихи, маданияти ва санъати музейи, Қорақалпоғистондаги А.Савиский номидаги, Қорақалпоғистон санъат музейи кабилар киради.

Бизнинг ватанимиз туристик мамлакат ҳисобланиб ундаги, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларига ташриф буюрар экансиз, худди эртакка тушиб қолгандай бўласиз, чунки бу шаҳарларнинг ўзи очик осмон ости музейлари саналади. Юртимизнинг нафақат бу шаҳарлари, балки водий томонларининг ўзгача табиати, манзаралари, ундаги етишиб чиқаётган неъматлар, ўзбек халқининг миллий таомлари бутун дунёни ўзига жалб этиб келмоқда. Турли мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг ҳаммаси бир гапни такрорлайди: “Ўзбекистонга ташриф буюрар эканман, бу юртнинг меҳмондўстлиги, қадимий ёдгорликлари, санъати, ажойиб таомлари мени лол қолдирди”: деб фикр билдиришади.

Мамлакатимизда яна “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги 2017-йил 31-майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Қарорга кўра «2017 - 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан, имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей

биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ишлар олиб бориш тўғрисида қонун қабул қилинди.¹⁵

Ўша йили яна энг муҳим қарорлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017-йил 22-ноябрда қабул қилинди, унга кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бухоро давлат университетида ҳам ушбу қарор ижроси бўйича қатор ташкилий ва илмий изланишлар олиб борилиши натижасида 2018 йил 18 май куни Бухоро Давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Бухоро Давлат университети тузилмасидаги ушбу музей Республикамизда биринчилар қаторида ташкил этилди. Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Музей экспозициясидан XIX асрга оид осори-атиқалар, қимматли архив ҳужжатлари, фото ва кино ҳужжатлар ўрин олган. Мустақиллик залида “Ислом Каримов бухороликлар хотирасида” деб ном олган экспозиция ҳам жой олган бўлиб, ушбу фоно ва ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Музейларнинг асосий вазифаларидан бири бу турли тоифадаги ташрифчиларни, айниқса, уқувчи ёшларни қушимча билим олишига қизиқишларини ошириш мақсадида музейга жалб қилиб, уларга экискурсияларнинг сифатли ва қизикарли олиб борилишини таъминлашдир. Ёш қалбида маънавий меъросимизга нисбаттан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни бекиёс, бинобарин бугунги кунда музейлар нафақат халқимиз тарихидан хикоя килувчи осори-антиқаларни сақлайдиган намоёниш қиладиган,

¹⁵ .“Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора тadbирлар тўғрисида”2017-йил 31-майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори. [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)

балки, таълим тизими ривожда навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавият даргоҳи ҳамдир.

Ёш авлодни аجدодлари тарихи, юксак маънавияти ва маданияти билан яқиндан таништириш орқали уларда миллий ғурур ҳис-туйғуларини тарбиялаш, ватанпарварлик ғояларини шакллантириш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги долзарб масаладир.

Музейлар маданий-маърифий муассаса сифатида тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан умум маданий ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Тарихий хотирани шакллантириш, уни ривожлантириш, шу билан бирга ҳозирги авлод руҳида миллий ғурур туйғуларини пайдо қилиш ишида барча маданий-маърифий муассасалар қаторида музейлар ҳам ўзига яраша ҳиссасини қўшмоқда. Дарслик, қўлланма китоблардан биз назарий билимларни олар эканмиз, шу ҳақдаги Амалий кўргазмалар, ашъвий далиллар намоиш этилган музейлар бевосита ана шу назарий билимларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музейлар шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук, комил инсон тарбиясида ўзига хос алоҳида ўрин тутди. Музейларда сақлаб, намоиш этилаётган тарихий ҳужжат ва халқ маданиятига оид ашълар янги авлодга аجدодлари ўтмиши, ҳаёти, юксак маънавиятидан дарак бериб, унинг воситасида Ватанга бўлган муҳаббат, ота-боболари қолдирган маданий меросга нисбатан ҳурмат, эъзоз, уларга муносиб ворислар бўлиш туйғусини уйғотади. Шунингдек, ёшларни одобу ахлоққа, ҳалоллигу покликка, ботирликка, мардлик, ватанни ҳимоя қилиш, аجدодларидек моҳир, сабр-қаноатли, ақлли, адолатли, ҳақгўй, меҳр-мурувватли бўлишга чақиради. Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурнинг, миллий ифтихор туйғусининг шаклланиш жараёнини амалга оширади.¹⁶

Музейлар мазмун жиҳатдан қуйидаги турларга бирлашади:

-Тарих музейлари, тарих-архитектура ва тарихий адабиёт музейлари ;

¹⁶ Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси. Бухоро, 2000 й.

- Ўлкашунослик музейлари;
- Хотира-ёдгорлик музейлари;
- Санъат музейлари;
- Соҳали музейлар;
- Турли музейлар.

Тарих, тарих-архитектура ва тарихий адабиёт музейлари халқимизнинг узок ўтмиши, кўп асрлар давомида қўлга киритган ютуқлари, фан, илм-маърифатга қўшган ҳиссаси, тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, юз берган ўзгаришлар, бурилишлар, уруш ва маданий юксалишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Вилоят, шаҳар, туман табиий шароити, тарихи, хўжалиги, маданияти ва турмушини характерловчи ҳужжат ва ёдгорликларни топиб намоиш этувчи муассаса Ўлкашунослик музейлари деб номланади. Уларда маълум ҳудуднинг табиий шароитидан тортиб, ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шу ерда истиқомат қилаётган халқнинг касб-кори, машғулоти, санъати ва бошқа хусусиятлари очиб берилади. Бундай музейлар томошабинга ерлик халқнинг маънавий қиёфасини намоиш қилади.

Хотира-ёдгорлик ҳамда ёдгорлик уй-музейлари ватанимизнинг машҳур кишилари, арбоблари, ёзувчи, рассом, композитор ва олимлари хотирасини адабийлаштириш учун хизмат қилади. Имом Бухорий мажмуаси, Баҳовуддин Нақшбандий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний мажмуалари, Темурийлар даври маданияти тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси музейлари, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа санъаткорлар ҳаёти ва ижодини ёритувчи йигирмага яқин уй-музейлар мавжуд бўлиб, улар халқимизга маънавий озиқ бериб турибди.

Санъат музейлари сирасига тасвирий санъат, амалий санъат, мусиқа, кино, театр санъати ютуқлари музейлари, суратлар кўргазмаси ва ҳоказолар киради.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларидаги ютуқларни намоиш этувчи маданий-маърифий масканлар соҳали музейлар деб аталади.

Булардан ташқари халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, бошқа корхоналар тарихини ёритувчи, мактабларда ташкил этилаётган ҳудудий тарихий жой ва инсонлар фаолиятига оид музейлар ҳам фаолият юргизмоқдалар.

Бизлар тадқиқодик жиҳатдан ёшларни музейларга кўпроқ жалб қилиб, уларда музейга бўлган қизиқишни уйғотишимиз учун, музейларни шунчаки кўрсатмасдан, у ердаги ҳар бир экспонат билан алоҳида таништиришимиз ёки тарихий воқеаларни акс этган ҳужжатли филм орқали тарихимиз ва ота-боболаримизнинг ватан фаровонлиги йўлида олиб борган фидокорона хизматлари билан таништириб, ҳозирги замонамизнинг шукрини қилиб, юртимизга керакли шахс бўлиб етишишга ундайди.¹⁷

2.3.Музей шаҳар Бухоронинг жаҳон музейшунослиги ва туризм соҳасидаги ўрни.

Бухоро дунёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, кўп асрлар давомида инсоният маънавият ва моддий маданиятига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бухорони бежиз “музей шаҳар” деб аташмайди. Бухоро халқаро туризм марказларидан ва масканларидан бири бўлиб, унда 400 дан отиқ қадимшунослик (археология), меъморчилик (архитектура) ёдгорликлари шу жумладан 11 та меъморий обида саройлар мажмуаси, 8 та мақбара, 47 та масжид, 14 та қарвонсарой, 39 та мадраса, 8та қадимшунослик ёдгорлиги, 25 та турар жой, давлат муҳофазасига олинган 32 та монументал маҳобатли санъат иншоатлари мавжуд.

Бадиий ҳунармандчилигининг ноёб буюмлари, Бухоро олимлари, алломалари, маҳаддислари, зиёлилари қўлғемалари машҳур Буюк Ипак йўли орқали бутун дунёга ёйилган, Шариф шаҳар ушбу 2000 (икки) минг йиллик тарихга эга йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Бугунги кунда қадимги Бухорода тайёрланган ноёб ёдгорликлари Рим, Париж, Боғдод, Техрон, Дехли, Вашингтон, Столголом, Берлин, Истамбул, Санкт петербург, Москва ва бошқа шаҳардаги жаҳоннинг энг йирик музейлари тўпламларида ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Дунёнинг нуфузли музейлари кўргазмаларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Бухоро шаҳри маданий меъросинининг жаҳонда муносиб эътироф этилгани ҳақида шу нарса гувоҳлик берадики, Мисрдаги Фиравн эҳромлари, Рим тарихи

¹⁷ БекмуродоваМ.Б.Рашидова М.Х.Музейшунослик. Тошкент, 2005-4 б

маркази, Афина акроноли, Москва Кремли, Хива ичан қалъа мажмуаси билан бир қаторда 1993 йилда ЮНЕСКО Қарори билан Бухоро Бутун жаҳон мероси объекти рўйхатига киритилди, 1997 йилда эса ЮНЕСКО хомийлигида Бухоронинг 2500 йиллиги тантанали нишонланди.

Лаби Ҳовуз ансамбли

Нафақар ўрта асрларда, балки бугунги кунда ҳам Бухоронинг марказий майдонларидан бири бўлмиш Лаби Ҳовуз меъморий ансамбли шайбонийлар ва аштархонийлар сулоласининг нодир архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. XVI – XVII асрларда яхлит мажмуа сифатида шаклланган Лаби Ҳовуз (ҳовуз бўйи) ансамбли Кўкалдош (Тошкентдаги номдош мадраса билан алмаштирманг) ва Девон Беги мадрасалари ҳамда Девон Беги ҳонақоҳи биноларидан ташкил топган. Ушбу иншоотлар атрофи Нодир беги ҳовузи билан бирлаштирилган бўлиб, Лаби Ҳовуз номи мазкур ҳовуз номидан келиб чиққан. Ансамбл ўлчами, тахминан 150x200 метрдир. Ҳовуз ўрта асрларда шаҳарнинг об-ҳавосининг яхшиланишига муҳим аҳамиятга эга бўлган.¹⁸

Ҳозирги кунда, мазкур ҳовуз буйида машҳур “Лаби Ҳовуз” қаҳвахонаси фаолият юритиб ушбу қаҳвахонага оддий сайёҳлар қаторида дунёнинг турли ўлкаларидан машҳур санъаткорлар ташриф буюриб келадилар. Уларнинг ташрифи хусусида қаҳвахона раҳбарияти томонидан ташкил қилинган маркабали меҳмонларни хотира китобига уларнинг фикр ва мулоҳазалари ёзиб олиниб, фотосуратлари махсус рамкага солиниб, қаҳвахона ичидаги деворларга осиб қўйилган.

Кўкалдош мадрасаси “Бухоро адабиёти тарихи” музейи кўргазмаси

Ўрта осийдаги энг йирик мадраса ҳисобланадиган “Кўкалдош” мадрасаси XVI асрда Шайбонийхоннинг лашкарбошчиси, замонасининг илғор намояндаси саналмиш Қулбобо Кўкалдош тонидан қурилган. Кўкалдош шахси тарихи ҳақида маълумот берувчи ҳужжат сақланмаган. Аммо айрим манбааларда қайт этилишича Қулбобо Кўкалдош ҳам лашкарбоши, ҳам Шайбонийхоннинг яқин маслаҳатчиси,

¹⁸ Сухарева О.А. Бухара XIX-насло XX в. (Позднефеодальный город и его население) ИЗДАТЕЛЬСТВО НАУКА Главная редакция восточной литературы. Москва 1966. ст. 34.

муҳандис, математик бўлган. Унинг маблағи ҳисобида Бухоро ва Тошкентда иккита бир ном билан “Кўкалдош” мадрасалари қурилган. Мадрасада асосан, диний фанларидан ташыари ҳандаса, математика, фалакиёт фанларидан дар ўтилган. Тарихий манбааларда кўрсатилишича шоир Бобораҳим Машраб, Маҳтумқулилар ҳам ўз замонларида шу мадрасада яшаган. 1920 йил сентябрдаги Бухоро бомбардимони натижасида, кўпгина бинолар қаторида кўкалдош мадрасаси ҳам қаттиқ шикастланган. 1974-1985 йилларда қилинган таъмир натижасида мадраса қисман тикланган. Мадрасада Садриддин Айний 1901 йилдан 1917 йилгача истиқомат қилган. Мустақилликдан сўнг мадраса қайта таъмирланиб Бухоро адабиёти тарихи музейига айлантирилган.

Бухоро тасвирий санъати музейи

Бухоро тасвирий санъати музейи биноси шаҳарнинг қадимий шоҳруд канали устида 1912 йилда пишиқ ғиштлардан тузилган, икки қаватли савдо растаси мураккаб меъморчилик кострукциясига эга бўлган меъморчилик шаҳарсозлик композициясига эга бўлиб, ертўла тизимидаги сейф-хоналари, кўп сонли заллар иккинчи қаватнинг олд томонидаги нафис болохона айвонидан иборат.

Музейнинг “XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати” жамланмасида 1000 тага яқин расмлар шу жумладан XX асрнинг машҳур мўйқалам усталари Р.Чориев, Х.Бобоев, А.А. Абдуллаев, Р.А.Ахмедов, Ч.Ахмаровлар томонидан бадиий санъатнинг турли хил усулларида турли йилларда яратилган ишлар жамланган. Ўзбекистонда яшаб ижод этган “Туркистон авагарди”ни ташкил этган XX аср 20-30 йиллар тасвирий санъти мактабининг йирик намоёндалари бўлган иқтидорли рассомлар П.П.Бенков, М.И. Курзин, З.М. Ковалёвская, А.Т. Катова, Н.В. Кашина, О.А. Тетевосьян, Н. Карахан, А. Волков, Г.Н. Никитин, В.Г.Соболев-Мелехов, В.И. Уфимцев ва бошқа бир қанча мўйқалам усталари унчалик катта бўлмаган жамланмаси томошабин диққатини ўзига жалб этади.

Ўзбекистон халқ рассоми, халқ устаси ва заргари С. Поччаев(1880-1948). Шарқнинг бетакрор миниатюра услубида ишлаган миниатюралар музей

коллекциясида алоҳида ўрин эгаллайди. Шарқ ананавий миниатюраси усулида ушбу рассом юсак бадиий дид ва нафислик билан яратган асарлар музей жамланмасининг фахридир.

Ўзбекистоннинг бой бадиий мероси, меморчилик ананалари, Шарқ миниатюраси ва декоратив амалий санъати кўргазмалар залида ўрин олган ҳозирги замон истеъдодли бухоролик рассомлар. Ҳайкалтарошлар. Графиклардан Б.Саломов, Н.Бобоев. К.Норхўрозов, У.Ўроқов, Б.Гулов, Б.Гулов, Э.Жўраев ва бошқалар.

Музейнинг “Олтин хазинаси” Бухоронинг амалий санъатини(мил.авII.а.-мил.XXаср) намоиш этади. Экспонатлар орасида қадимий, ўрта аср тилла ва қумуш тақинчоқлари: тангри тасвирланган олтин плакетка ҳамда ҳақиқ билан безатилган қумуш зираклар (мил.ав I аср -мил II аср) сарой идишлари ва тақинчоқлар(XVIII-XXасрлар), улар Бухоро заргарлик санъатининг энг яхши анъаналарида ишланган. Улар ўзбек амалий-безак санъатининг олтин фондига қиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган, доимий фаолият кўрсатаётган кўргазма Бухоро вилоятининг иқтисодиёти, маданияти ва таълими ривожланиши соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида маълумот беради. Кўргазмада Бухоро вилоятининг илғор саноат соҳалари маҳсулотлари ҳамда замонавий ҳунармандлар ишлари кўрсатилган.

МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

хатотлик музейи

“Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”¹⁹. Мана етти асрки, Улуғбек мадрасаси пештоқида араб тилида битилган ушбу ҳадис ҳанузгача инсониятни илму маърифатга чорлаб, “дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай” деган ҳаётий ҳикматни ифодаламоқда. Диний ва дунёвий фанлар уйғун равишда олиб борилиб, Шарқда етакчи илмий муассаса номи билан донг таратган

¹⁹Қосимов Ф.Ҳ. Темурийлар даврида Бухоро. Бухоро. “Бухоро”. 1996. –Б.74.

Мирзо Улуғбек мадрасаси бугунги кунгача фалакиёт илми султонининг илм машъаласи бўлиб келмоқда.

Ҳарбий ишлардан кўра илму фанни хуш кўрган Улуғбек маданиятни янада тараққий эттириш мақсадида мадрасалар қуришга алоҳида эътибор берган. Шарқнинг маънавият ўчоғи саналган Бухорода Улуғбек биринчи мадрасасини қурдирганлиги ҳам бежиз эмас. Мирзо Улуғбек томонидан қурилган учта мадрасаларнинг энг қадимийси ҳисобланган мазкур илм даргоҳи 1417 йилда барпо этилган. Мадраса ўша давр энг яхши бинокорлари ва қўли гул усталари Нажмиддин Бухорий ва Исмоил бинни Тохир бинни Маҳмуд Исфаконийлар томонидан қурилган²⁰.

Мадрасанинг архитектураси ва унинг безатилиши диққатга сазовордир, чунки бинонинг деворлари, айвон ва бошқа қисмлари буюк астроном-олим Улуғбекнинг чизмалари асосида қоиначиликнинг сирли қосинлари билан безатилган. Шунингдек, мадраса астрал характерга эга бўлган орнамент (нақшлар) билан безатилган бўлиб, улар Улуғбекнинг астроном сифатида дунёқарашини ифодалайдилар. Биринчи қарашдаёқ мадраса ўзининг ажойиб гармонияси билан қишини маҳлиё қилади. Кейинроқ Марказий Осиёда мадрасалар худди шу нусхада қурилади бошланганлиги маълум.

Мадрасада таълими борасида рус сайёҳларидан И.Ханиковнинг хабар беришича, мадрасада таълим олиш ўн беш йилдан йигирма йилгача чўзилган. 1841-1842 йилларда унда 80 хона бўлган. Талабалар йилида 3,5 тилла олганлар. Машғулотлар ҳар кун қуёш чиқишидан то ботишигача давом этган (жума ва сешанба кунларидан ташқари). Мадрасани битирганлар орасида араб тили ва схоластик теология (илоҳиёт)ни яхши билганлар кўп эди. Дарслар эркин шаклда ўтилар, талаба истаган мударрисдан сабоқ олиш ҳуқуқига эга эди. Дарсларнинг кўпчилиги савол-жавоб шаклида ўтарди. Эътиборлиси, Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар қилишича, Улуғбек мадрасасига келиб илм олувчи талабаларга моддий рағбатлантириш мақсадида инъомлар улашилган.

²⁰Сааков В.Г. История Бухары: 100 вопросов и ответов. Т. «Шарқ».1996.-Б.148.

Йиллар ва замонлар оша мадрасада таъмирлаш ишлари олиб борилган. 1586 йилда Абдуллахон II даврида Хўжа Саъд Жўйборий томонидан ташқи пештоғи ва ёнларидаги хужралар таъмир этилиб, пештоқ безагида майда ёзувли ва нақшли кошин ишлатилган. Ховли ғарбидаги хужра тепасида ганчкори безаклар орасида таъмирловчи уста Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳоний номи сақланган. Ҳозирги кунда мадрасада Хаттотлик санъати тарихи музейи фаолият кўрсатмоқда. Экспозициялардан эпиграфик ёзувлар, чойжўй ва чойнак расмлари солинган сопол лаганлар, шоҳкоса парчалари, куфий ёзувли кўзалар, қаламдон ва мойчирок, нодир қўлёзма қисмлари ва бошқалар ўрин олган.

АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ

Кўш мадраса услубида қурилган Абдулазизхон мадрасаси Улуғбек мадрасаси билан бирга ажойиб архитектура ансамблини ташкил этиб, бу каби композицияларни Бухорода камдан кам учратиш мумкин. Обида шаҳарнинг жанубий қисмида 1561-1562 йилларда Жоний ҳукмдорларидан Абдулазизхон ибн Надрмуҳаммадхон ибн Жонибекхон буйруғига асосан меъмор Мимхоқон ибн Хўжа Муҳаммадамин томонидан барпо этилган²¹.

XVI асрнинг энг моҳир меъмор усталари томонидан яратилган мадраса Бухоро меъморчилиги энг унумли ва раванқ топган даврига тўғри келади. Мадраса биносининг бадий безак техникаси ва услубида ҳашамдорлик ҳоллари ҳаддан ташқари авж олганлиги буни исботлайди.

500 йиллик тарихга эга Абдулазизхон мадрасасининг ичкарасига қадам ранжида этаркансиз, чап томондаги сирли масжид сизни ўзига чорлайди. Сеҳрли нурлар билан уйқаш хона остонасидан 7 қадам узоқлашиб, меҳробга диққат билан разм солинса, ҳукмдор Абдулазизхоннинг сурати аста-секинлик билан гавдалана бошлайди. Ривоят қилишларича, Абдулазизхон олтинчи марта ҳажга жўнаб, сафар чоғида унинг тушига бир нуроний кирибди. Мўйсафед хонга “Сен сафардан қайтганингдан сўнг Ватанингда шундай бир меъморий обида қурдирки, у боқий ва фоний дунё ифодасини топсин. Асрлар оша халқ ундан баҳраманд бўлиб, сени ёдга олсин”, - дебди.

²¹Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.

Ўз даврида Абдулазизхон мадрасани энг нодир иншоотга, Бухоронинг ҳашаматли илмгоҳига айлантиришни ният қилганлиги шубҳасиз. Айтиш ўринлики, Собик тузум даврида бу ерда дорихона, савдо расталари, омборхоналар, ҳарбий комиссариат жойлашган бўлиб, мадраса 1941-1942 йилларда 101-ўқчи дивизиясининг ётоқхонаси сифатида хизмат қилди. Бундан ташқари мадраса биносида иккинчи жаҳон уруши фронтига аскарлар жўнатишга тайёргарлик кўрилган. Ҳозир нақшларда дарз кетиш бошланган. Зина ва ҳужралар жуда таъмирталаб. Шарқнинг бетакрор мўъжизасидан келгуси авлодлар ҳам баҳра олади.

АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ

ёғоч ўймакорлиги музейи

Бухорода ҳукмронлик қилган аксарият ҳукмдорлар ўз номлари билан мадрасалар бунёд этиб, уни дунёнинг машҳур илм маскани ва мухташам обидасига айлантиришга ҳаракат қилишган. Олийиморат мадрасалар қурилишида шахсан ўзлари иштирок этган. Шарқу ғарбда машҳур таълим даргоҳи сифатида донг таратган Абдуллахон мадрасаси ҳам замонасининг номдор таълим даргоҳи бўлиб, таърифи бугунга қадар етиб келган.

Бухорода мадрасалар қурилишига катта эътибор қаратилгани архитектуравий қўш, ансамбл обидаларнинг вужудга келишига асос бўлган. Мадрасалар аслида дугона, сегона шаклларда бунёд этилган. Модарихон мадрасасидан 23 йил ўтиб бапро этилган Абдуллахон мадрасаси ҳам ана шундай дугона ёки қўш услубдаги иншоотлардандир.

Шариф шаҳарнинг қадимги Хиёбон кўчаси ёхуд Сари пули ошиқон номи билан юритиладиган мавзеда салобат тўкиб турган шайбоний оламгир мадрасаси маҳобати, кўркемлиги ҳамда нуфузи жиҳатдан бошқа обидалардан юқори турган. Ўрта Осиё меъморлигининг энг улуғвор архитектура обидаларидан бири саналган мадраса қўш ансамблнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Абдуллахон томонидан 1588-1590 йилларда қурдирилган.

Обида Абдуллахон даври меъморлигининг етук намунаси бўлиб, Бухоро меъморчилигининг XVI асрда эришган барча ижодий ютуқларини намоёиш этган.

Абдуллахон мадрасаси масжид ва дарсхонага, ҳовлининг ғарб томонида айвонига эга. Тузилиши одатдаги мадрасалардан анча фарқ қилади. Ҳовли атрофини икки ошёнли 141 та хужралар ўраб туради. Ҳар икки томонида баланд пешток жойлашган. Пештоқлар орқали ичкари хоналар ва хонақоҳга ўтилади. Мадрасанинг катта пештоқи жанубга қараган. Пештоқ канотлари ва гулдасталар сиркор безаклар билан пардозланган. Дарвозадан ўтиб, икки ёқдаги катта хоналар — дарсхона ва масжидга кирилади.

Шундай қилиб, хон ва модарихон обидаларидан иборат қўш мадраса ансамбли Бухорода катта меъморчилик қурилишининг янги босқичи ҳисобланадики, у юксак бадиийликни сақлаш билан бирга, янги иқтисодий изла-нишлар даври маҳсули ҳамдир. Қадимги меъморлар бу масалани муваффақиятли ҳал қила олганлар. Қўш Мадрасанинг улуғвор иншооти саналган Абдуллахон мадрасаси қурилганига бир неча асрлар бўлибдики, шакл чизиқларининг барқарорлиги, нақшларининг гўзаллиги ва рангларининг ўчмаслиги билан бундан кейин ҳам гўзаллик шинавандаларини ўзига ром этиб келаверади.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси

Бухоро Марказий Осиёдаги энг таниқли ва чиройли шаҳарлардандир. Бу ажойиб шаҳар-музей бўлиб, унда турли даврлардаги кўплаб маданий ва архитектура ёдгорликлари жамланган бўлиб, фақат Ўрта асрнинг 140 дан ортиқ бино ва иншоотлар мавжуд.

Бухоронинг тарихий маркази, унинг диққатга сазовор жойлари билан бир қаторда, ЮНЕСКО томонидан тайёрланган Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бухоро давлат архитектура ва санъат музей-қўриқхонаси 1922 йилда ташкил етилган. 1945 йилдан буён Бухоро музейи Арк қалъасида жойлашган. Бухоро музейида ўзбек халқининг маданий моддий ва маънавий меросидан 100 мингдан зиёд экспонатлар мавжуд. 1985 йилда Бухоро музейи давлат музей-қўриқхонаси мақомига эга бўлди. Бугунги кунда музей Бухоронинг турли меъморий ёдгорликларида жойлашган, 18 доимий кўргазмани бирлаштирган, 12 та филиалга эга.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 1922 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва бугунги кунда Ўзбекистон музейлари орасида муносиб ўрин эгаллаган. Бухоро музей-қўриқхонаси фондлари ва экспонатлари Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тарихий, моддий ва маънавий маданиятини ўзида мужассам этган, ўзбек халқининг ўзига хос анъаналарини ўзида мужассам этган авлоддан-авлодга етказилган 130 мингдан ортиқ экспонатларга эга. 90 йилдан зиёд вақт мобайнида музейда археология, нумизматика ва эпиграфия, санъат ва хунармандчилик, китоблар ва ҳужжатлар, кундалик ҳаёт ва этнография, расм, чизмачилик, ҳайкалтарошлик тўпламлари ва бошқа ажойиб тўпламлар тўпланган. Буларнинг барчаси музей қўриқхонасининг кўплаб экспозициялари ва кўргазмаларида намоиш этилиб, Бухоронинг бой тарихини акс эттиради. Бухоро музей-қўриқхонаси коллекцияси Бухоро воҳаси тарихининг асосий манбалари ва моддий далиллари билан ажралиб туради ва минтақадаги ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади. Бухоро музей-қўриқхонасига энг яқин аналоглар Новгород музейи, Владимир-Суздаль, Венеция, Афина, Лувр, Метропол музейи, Эрмитаж музейи ҳисобланади. 1947 йилдан буён музей Арк қалъасида — собиқ Бухоро амирларининг қароргоҳида жойлашган. Музейнинг бош офиси ҳам мана шу ерга жойлашган. 1985 йилда музей Бухоро давлат музей-қўриқхонаси мақомига ега бўлди. Музей-қўриқхонада Бухоро архитектура ёдгорликларида жойлашган 2 та доимий кўргазма ва 16 та филиал мавжуд.

Файзилло Хўжаев уй музейи

Бухоронинг тарихий қисмида-Ғозиён маҳалласида жойлашган бой савдогар уйи сўнги феодал меморий санъатининг бетакрор намунасидир. Ҳовли хўжайини бой савдогар, тадбиркор қоракул тери ва пахта толалари билан кўпгина мамлакатларни таъминловчи йирик савдогар Убайдилло Хўжа Қосим Хўжаев бўлган. Меҳмондўст ҳонадонда вақти вақти билан маҳаллий маданиятли зиёлилардан шоирлар, ёзувчилар, олимлар, мусиқачилар ва давлат арбоблари йиғилишар эди.

1920 йили антомонархияга қарши давлат тўнтаришидан кейин савдогарнинг меросхўри, бухоронинг кўзга кўринган сиёсий арбоби Файзулла Хўжаев уйни идора қилиш ҳуқуқини давлатга берди. XX аср давомида ушбу уйда давлат ва таълим-тарбия муассасалари, шунингдек шаҳардаги бадий устaxonалар фаолият кўрсатди. XX юз йилликнинг 90-йилларида мамлакатимиз музейлари фаолиятининг такомиллашуви ва экспозиция майдонларининг кенгайиши туфайли, уй Бухоро давлат музей-қўриқхонасига берилган эди. Уйнинг фасадига ваички интерьерларида катта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, уйнинг ётоқхона қисмида болалар хоналари ва меҳмонхоналарда шохнишин деб номланган яширин хоналарда ҳамда йўлакларда ганч ўймакорлиги ва ёзувлар қайта тикланган.

Уйнинг хотин-кизлар турган ҳудудида жойлашган музей экспозицияси томошобинларни Бухоронинг XIX аср охири XX аср боши савдогарлари сулоласининг маданияти ва уй рўзғор ишлари билан таништиради. Ёзги ва қишги залларда қизиқарли этнографик жамланмалар кўрсатилган. Бу ерда ўша даврга оид мебель, уй-рўзғор буюмлари ўрин олган. Тўй оши пиширишда ишлатиладиган катта ҳамиони ёйиш, гўшт чопиш учун турли мосламалар ва хоказолар, мис ошқозони турган ошхона меҳмонларда катта қизиқиш уйғотади.

Кумуш ва мис кандакорлиги идишлари, шиша, сопол ва маҳаллий чиннидан тайёрланган идишлар, Хитой, Япония, ва Европада ишлаб чиқарилган ашёлар, халқ чолғу, мусиқа асбоблари, бадавлат Бухороликлар кийими, Европанинг машҳур фирмалари ишлаб чиқарган соатлар , машҳур Бухоро гиламлари ва XIX аср иккинчи ярми XX аср боши бадий кашталарини музейда кўриш мумкин. Музей заллари бўйича ўтказиладиган экскурсиялардан ташқари томошабинларга уларнинг ўзлари иштирок этиши мумкин бўлган “Таворабандон ва Саллабандон” сингари этнографик дастур таклиф қилинади.

Ситораи Мохи-Хосса

Бухоро амирларининг Ситораи Мохи-Хосса ёзги саройи XIX-XX асрлар Шарк нафис меъморчилиқ санъатидаги ноёб тарихий-меъморий обидалардан бири саналади.

Саройнинг дастлабки иморатлари амир Насруллоҳон ҳукмронлиги даври (1826-1860 йиллар)да қурилган. XIX асрнинг охиридаги навбатдаги амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида (1860-1885 йиллар) машҳур сарой меъмори Остонқул Ҳафизов саройнинг янги лойиҳасини яратган. 1885-1910 йилларда сарой ва хушманзара боғ барпо қилиш навбатдаги амир Абдулаҳад Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида амалга оширилади ва сарой қурилишига сарой меъмори Ҳожи Ҳафиз раҳбарлик қилади. Ёзги саройнинг асосий бинолари сўнгги Бухоро амири Мир Саййид Олимхон ҳукмронлиги даврида (1911-1920 йиллар) қурилган бўлиб, саройнинг умумий майдони 6,7 гектарни ташкил қилади. Унда қабулхона, меҳмонхона, ётоқхона, ҳарамхона, кўшк, масжид ва филхоналар бўлган.

Бухоро сўнгги амири Мир Саййид Олимхон қурилишларни лойиҳалаштиришда рус меъмори ва муҳандислари Сакович ҳамда Маргулис хизматидан фойдаланганлиги туфайли,кўпчилик биноларнинг ташқи кўриниши европача бўлиб,ички безаклар эса миллий услубда бажарилган.

Қабулхона биноси “П”ҳарфи шаклида қурилган бўлиб,унинг шимол томонида айвон жойлашган. Айвон бўйи 30 м, эни 5 м, баландлиги 8 м бўлиб, тўрт аркали, ўн ёғоч устунли, ости мовий фируза рангда бўлиб, устида ҳандасавий гирих нақшлар билан, пасти мажнунтоллар нақши билан безатилган. Айвон “Саломхона” деб номланган. Ҳар эрталаб амир ўз ётоқхонасидан чиқиб кўриниш берганида, айвонга йиғилган сарой аҳли, уламолари уни салом бериб кутиб олишган.

Қабулхона биносининг ғарб томонида “Оқ уй” (Хонаи Сафед), “Даҳлизхона”, “Хобхона”, наққошлик билан ишланган “Кутиш зали”, жануб томонда эса ойнавонли айвон “Чойхона”, “Зиёфатлар зали”, “Мирзахона” ва “Шахмат заллари” жойлашган.

Қабулхона саройида 1927-1933йилларда “Бухоро сўнгги ҳукмдорлари турмуш тарзи”деб номланган музей фаолият кўрсатган.1947йилда “Бухоро халқ ижоди”музейи,1974йилдан ҳозиргача “Халқ амалий безак санъати ” музейи

кўргазмаси жойлашган.Кўргазмадан саройда фойдаланилган заргарлик буюмлари,турли совғалар,мебеллар ҳамда Хитой ва Япония чиннилари ўрин олган. Қабулхона заллари ичида “Оқ уй”-тахт зали алоҳида ажралиб туради.Сарой хоналари ичида энг ҳашаматли,ғоят гўзал бўлиб,уни моҳир ганчкор уста Ширин Муродов (1880-1957йй) “Ойна пардоз” усулида беаган.Устанинг сеҳрли қўллари билан деворлар сатҳига ўрнатилган 100минг бўлак ойналар устига нафис нақшлар чинакам эртақлар оламига етаклайди.Токча ва равоқлар,аркасимон тахт жойини белгиловчи муқарнас ва шарафаларга сон-саноксиз юлдуз ва ярим ой тасвирлари юлдузли осмонни эслатади.Уста Ширин Муродовнинг бетакрор санъати билан дунёга келган мўъжиза,илоҳий қўшиғидир.

1915-1916 йилларда қурилган “Хонаи-Ҳашт” саккиз хоналик кўшк лойиҳасига кўра ҳақиқий европача кўриниши билан диққатни тортади. Кўшкнинг марказида саккиз бурчакли “Хонхона” жойлашган. У наққошлик санъати билан бежирим безатилган. Девор ва шифтига олтин ва кумушдан ҳал бериб “кундал” нақшлари туширилган. Кўшкни безатиш ишларига 4 кг 250 гр тилла сарфланган.

Бинода 1985 йилгача Республика буйрак хасталикларини даволаш санаториясининг ётоқхона ва кутубхонаси жойлашган эди. 1986 йилда Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасига қайтарилиб, илмий таъмирланиб, унда “Бухороликларнинг XIX-XX асрлар миллий кийимлар экспозицияси” ташкил қилинди.Унда ўзига хос либос маданиятига эга бўлган шаҳарликлар миллий кийимлари намоёиш этилмоқда.

“Ётоқхона” – биноси 1917-1918 йилларда уста Ширин Муродов раҳбарлигида икки қаватли қилиб саллоти ғиштдан “Мавритания” услубида қурилган. Бинонинг ичида узун йўлак (коридор) бўлиб, ўн иккита хонадан иборат. Иккитадан тўртта ёзги ва қишки айвонлар, “Хонаи хоб”, ётоқхоналар, даҳлизхона, хонаи-калон, ошхона, ойнавонли гулхона, ҳаммомхона, ҳожатхона ва сарой масжидидан иборатдир.

Бино Амирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда ёз ойларида амирнинг 4 та никоҳли хотинлари ва онаси яшаган.²²

²² Жумаев Қ.Ж. Ситораи Мохи Хосса. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти

Ётоқхона биноси олдида Ўрта Осиёда энг катта ҳисобланган ҳовуз қурилган. Ҳовуздаги тиниқ сувда икки қаватли ётоқхона биноси тўрт қаватли бинога ўхшаб кўринади. Ҳовуз бўйи 53 м, эни 46 м, чуқурлиги 3 м бўлиб, Нурота кулранг мрамаридан қилинган. Ҳовуз жазирама ёз ойларида бинонинг хоналарига роҳатбахш салқинлик тарқатган.

Ётоқхона биноси 1920 йил сентябрдан 1924 йилгача БХШЖнинг қароргоҳи, 1925-1953 йиллар дам олиш уйи, 1953-1991 йиллар санатория ётоқхонаси вазифаларини бажарган.

Мустақиллик шарофати билан миллий кадриятларга қизиқишнинг ошиши ва Республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли 1991 йилда Канизакхона таъмирланиб, унда XIX аср бошлари Бухоро бадиий каштачилиги музей-кўргазмаси ташкил этилди.

2 боб бўйича хулоса: Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юртимиз ўз мустақиллигини қўлга олгач ундаги музейлар ҳам илмий-амалий жиҳатдан такомиллашиб борди, яъне тобора янгиланиб, кўпайиб борди. Бундай ўзгаришлар эса мамлакатимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, музейлар ва тарихий ёдгорликлар келажагимиз пойдевори сифатида хизмат қилади. Музейлар ёш авлод тарбияси ва мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга, зеро у ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Дарҳақиқат, музейлар мозийнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган ҳолда халқаро маданиятни, қадриятларни тараннум этувчи маскан ва давлатларни бир-бирига яқинлаштирувчи куприкдир. Бундан кўриниб турибдики биз учун ўтмиш тарихимизни сақлаб келаётган музейларнинг фаолияти жуда муҳим ва биз ёшлар уларни асраб келажак авлодга етказишимиз лозим, зеро музейлар ўтмишдан садо берувчи кўзгу ва халқнинг юксалиши учун катта аҳамиятга эга. Бухоро ҳам шундай неча минг йиллик тарихга эга музей шаҳар ҳисобланиб, ўзининг бетакрор ёдгорликлари билан бутун дунё аҳлини ўзига жалб этиб жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Бизнинг қадимий Бухоро шаҳри ҳам ўзининг бетакрор обидаларию ажойиб музейлари билан бутун дунёни ўзига жалб этиб, жаҳон музейшунослиги ва туризм соҳасида катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан: Бухоро эски шаҳар мавзесида жойлашган қадимий ёдгорликлари ҳамда музейлари бутун дунёни ўзига қаратиб, жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

III БОБ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

3.1. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музей ҳамда унинг филиаллари

Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилингандан кейин мамлакатимизнинг биринчи Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилган хайрли ишлардан бири чор ва совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50 йилларида “халқ душмани” сифатида қатағон этилган ва шу сабабли номлари ўзбек халқи ҳамда маданияти тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатни тиклаш бўлди.

Республика биринчи Президентининг 1999-йил 12-майда имзо чеккан Фармойишига кўра, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилди.

Шу йили июл ойида ҳукумат қарори асосида “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Натижада бўлғуси музейнинг кўргазма воситаларини шакллантириш бошланди.

2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг тантанали суратда очилиши мамлакат ва халқнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди, қисқа муддатда мазкур мажмуа табаррук зиёратгоҳлардан, ёш авлодларни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканлардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2001 йил 1 май санали “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони асосида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди.

Музей 2002 йил 31 августда – мамлакатда илк бор нишонланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни”да тантанали равишда очилди. Ёдгорлик мажмуи ва музей барпо этилган жой XX асрнинг 20-йилларидан то Иккинчи жаҳон уруши

бошлангунига қадар совет давлатининг жазо органларига қатлгоҳ бўлиб хизмат қилган. Тошкент шаҳрида отилган қатағон қурбонлари шу йердаги учта қатлгоҳга дафн этилганлар. Йодгорлик мажмуи ана шу собиқ уч қатлгоҳ ҳудудларини ўзаро бирлаштириб туради. Агар рамзий сағана ёдгорлик мажмуининг мемориал маркази ҳисобланса, музей биноси унинг маърифий маркази бўлиб хизмат қилади.

Музей биноси Бўзсу бўйида, баҳаво жойда жойлашган бўлиб, бир қаватдан иборат, йердан баландлиги 20 м. Дастлабки бино бир гумбазли 400 м² ҳажимдаги ягона экспозиция залидан ташкил топган. Бино атрофи 28 та нақшинкор устунлар кўтариб турган айвондан иборат бўлган. Унинг умумий майдони 784 м² ташкил этган. Бино ўзбек миллий меъморлиги анъаналари асосида қурилган. Музейнинг биринчи экспозицияси 6 бўлимдан иборат бўлган.

2007 йилнинг 31 августида биринчи Президенти И. А. Каримовнинг музейга ташрифлари чоғида, ушбу музей фаолиятини янада такомиллаштириш, қатағон қурбонлари тарихи ва аччиқ қисматини янада кенгроқ ўрганиш ва асқ эттириш мақсадида унга қўшимча бино қуриш ҳақида айтиб ўтилди. Аجدодларнинг анъаналарини давом эттириш, ҳозирги кунларнинг қадрига йетишга, экспозицияда нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ва экспонатларни кўрсатилиши лозимлиги таъкидланди. 2008 йил 5 май куни давлат раҳбарининг “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-861-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор ижроси натижасида музейда катта ўзгаришлар амалга оширилди.

Музейнинг қайта таъмирланган ва кенгайтирилган биноси қўш гумбазли экспозиция учун мўлжалланган 3 та залдан иборат иншоот бўлиб, атрофини ўйма нақшинкор айвон ўраб туради. Айвоннинг тўрт тарафидан 42 та миллий нақшлар ўйилган, бўйи 5 ярим метрли устунлар кўтариб туради. Бинонинг экспозиция залларининг майдони 960 м² ташкил этади. Айвон қисми 640 м², йер тўласи 1568 м².

Музей экспозицияси 10 та бўлимдан иборат: “Қатағон қурбонлари хотираси” музейнинг янги экспозициясини ташкил қилиш жараёнида ЎзР Фанлар академияси, ЎзР Архив агентлиги, Картография бошқармаси, Ўзбекистон матбуот

агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Весмистр Университети, Ўзбекистон Бадиий академияси, Мудофаа вазирлиги, “Совпластитал” корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Шу билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати, Олий суд фондларида сақланаётган ҳужжатлардан экспозицияда фойдаланиш учун олинди.

Вилоятлардаги университетлар тузилмасида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейлари

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузурида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан мустақиллик йилларигача бўлган даврга оид экспонатлар жамланган музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

Музейда 1873 йил – Қорақалпоғистон ҳудудининг босиб олиниши давридан бошлаб, халқимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни акс эттирувчи экспонатлар жой олган. Бу ерда бўлган ёшлар нафақат ўтмишнинг қалбларни ўртовчи қора кунлари ҳақида маълумотга эга бўлади, балки уларда мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш туйғусини юксалтиради.

Музейнинг охириги бўлимида мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар намойиш этилади.

Андижон вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

Эл-юртимиз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонийлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлолғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш буюк мақсаддир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 31 август куни “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига ташрифи мобайнида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда бундай музейни вилоятларда ҳам очиш кераклиги ҳақида пурмаънофий фикрларни билдирган эди.

Шу муносабат билан 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қатағон хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги Олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 936-сонли қарори қабул қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун 2017 йил 28 ноябрда Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 869-сонли буйруғи эълон қилинди. Юртбошимиз музей нафақат қатағон қурбонлари ҳақида, балки мустамлакачилик сиёсатидан азият чеккан халқимиз кечмиши тўғрисида ҳикоя қилиши лозим, дея таъкидлаган эдилар. Бугунги кунда ушбу фикрлар ва олдимизга қўйилган вазифалар борасида кенг кўламли ишлар бажариб келиняпти. Шулардан келиб, чиқиб 2018 йил 15 декабрь куни Андижон давлат Университети ректорининг 01-4-сонли буйруғи билан Андижон давлат Университети тузилмасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилди ва музейга ЎзМТДП фаоли, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсутдинов директор этиб таъйинланди. Бугунги кунда музей 5 бўлимдан иборат бўлиб, 7 экспозицион зални ўз ичига олган. 1-бўлим. Чор Россия босқини ва мустамлакачилик режимига қарши Андижондаги озодлик курашлари тарихи (XIX асрнинг 60-йиллари -1917 йил)

2-бўлим. Зўрлик билан ўрнатилган Совет ҳокимияти ва унинг зулмига қарши Андижонликларнинг миллий озодлик ҳаракати (1917-1936 йиллар)

3-бўлим. Коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш, “Қатта террор” ва уларнинг Андижондаги фожеали оқибатлари (1929-1938 йиллар)

4-бўлим. Андижон Советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий уйғонишнинг янги босқичи даврида (1939-1991 йиллар)

5-бўлим. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти. Андижон вилоятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий равиши, буюк бунёдкорлик зафарлари.

Дарҳақиқат, мустабид тузум йилларида қатағонга учраган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини чуқур ўрганиш ёшларимиз қалбида аجدодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Бухоро вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017-йил 22-ноябрда қабул қилинган қарорга кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бухоро давлат университетида ҳам ушбу қарор ижроси бўйича қатор ташкилий ва илмий изланишлар олиб борилиши натижасида 2018 йил 18 май куни Бухоро Давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Бухоро Давлат университети тузилмасидаги ушбу музей Республикамизда биринчилар қаторида ташкил этилди. Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Музей экспозициясидан XIX асрга оид осори-атиқалар, қимматли архив ҳужжатлари, фото ва кино ҳужжатлар ўрин олган. Мустақиллик залида “Ислом Каримов бухороликлар хотирасида” деб ном олган экспозиция ҳам жой олган бўлиб, ушбу фоно ва ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Навоий вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017-йил 22-ноябрда қабул қилинган қарорга кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Барча олийгоҳлар каби Навоий давлат педагогика институти қошида ҳам “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган маънавийт масканида миллий озодлик йўлидаги курашда қурбон бўлган ватандошларимиз ҳақида маълумотлар, ҳужжатлар, суратлар ва буюмлар жамланган.Ташриф буюрувчилар “Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi”, “1930-1937 йиллар қатағони”, “Пахта иши”, “Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши ва қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши” сингари залларда ўзларини қизиқтирган мавзуларда маълумотлар олиши мумкин. Музей ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, маърифатпарвар аجدодлар билан фахрланиш,мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

Ушбу музей Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами арафасида очилгани миллий эркисизлик, истибдод зулмининг қурбони бўлганлар хотирасига мангу эҳтиром рамзи сифатида катта маънавий-маърифий аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон

қурбонлари хотираси” музейи директори Б.Ҳасанов. – Бундай музейлар Президентимиз ташаббуси билан юртимиздаги олий таълим муассасалари тизимида ташкил этилмоқда, бундан кўзланган мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳидатарбиялашдир.

Наманган давлат университети тузилмасидаги мазкур музей Тўрақўрғон туманида барпо қилинган Исҳоқхон Иброт хотира мажмуасидан жой олди. Зеро, маърифатпарвар Исҳоқхон Иброт ҳам қатағон қурбони бўлган, янги музей айнан шу ерда ташкил этилиши бу эзгу амалнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизматқилади.

“Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi”, “Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши”, “1930-1937 йиллар қатағони”, “1940-1950 йиллар қатағони қурбонлари”, “Пахта иши”, “Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши ва қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши” сингари бўлимларда жамланган ёдгорликлар барчада катта таассурот қолдиради.

Самарқанд вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

Самарқанд давлат университетида Қатағон қурбонлари хотираси музейи очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори Б.Ҳасанов, вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳ.Нормуродов ва бошқалар иштирок этди.

Музейни ташкил этишда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шакурӣ, Садриддин Айний, Саидахмадхўжа Сиддиқий Ажзий, Ҳожи Муин Шукрулло ўғли, Саидризо Ализода ва бошқа маърифатпарвар, халқпарварларнинг эл-юрт озодлиги, халқни маърифатли қилиш борасидаги заҳматли меҳнатлари ҳақида кенг маълумотлар тўпланди. Тарихий ҳужжатлар, ашёлар жамланиб, музейдан ўрин олди.

Музейда “Ўрта Осиё (Туркистон)нинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi ва маҳаллий халқнинг бунга қарши кураши, Самарқанднинг босиб олинishi (1868-1900)”, “Миллий уйғониш ҳаракати, унинг намоён бўлиши ва амалий йўналишлари (1901-1917)”, “1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар”, “Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар (1991 йилдан кейинги давр)” каби саккиз бўлим мавжуд.

Сирдарё вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

2019 йил 1 февраль куни Гулистон давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 936-сонли қарори асосида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси”музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда университет ректори, профессор М.Т.Ходжиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, т.ф.д. профессор Б.Хасанов, профессор Р.Маҳмудов, Сирдарё вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи А.Холиқов, Сирдарё вилояти “Нуроний” жамғармаси раиси Ў.Абдиев, шоирлар Алишер Нур, Анвар Тоғаев, вилоят оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда шу юрт тинчлиги учун жонларини аямай курашган ватандошларимиз номи абадийлаштириш мақсадида ташкил этилаётган музейлар, шўро даврида қатағонга учраган юртдошларимизнинг аянчли кунлари, турли воқеалар, турли тақдирлар ҳақида гапириб, ушбу музей ёш

авлоднинг ватанпарвар, ўз миллатига бўлган ҳурмат, маърифатпарвар аجدодлари ҳақида фахр ва ифтихор туйғусини шаклланишида ҳамда улар каби эл-юрти учун муносиб фарзандлар бўлиб тарбияланиши катта таъсирга эга бўлишини таъкидладилар.

Сурхондрё вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

Термиздаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, мустабид тузум даврида қатағонга учраган юртдошларимизни хотирлаш, уларнинг Ватан ва халқ олдидаги буюк хизматларини ёш авлод ўртасида тарғиб этишга хизмат қилиб келмоқда.Музей экспозицияни яратишда асосан, Чор Россияси ҳукмронлиги даври ва шўролар тузуми йилларида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқ қилиш, сургун, “катта қирғин”, “пахта иши” масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун олимлар ҳудудларга илмий сафарларга юборилди. Жойлардан топилган маълумотлар жамланди ва экспозицияга қўйилди.

Термиз давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи тематикасидан келиб чиққан ҳолда бу ердан асосан, Сурхон воҳасида амалга оширилган коллективлаштириш жараёни, қулоқ қилиш амалиёти, сургун сиёсати ва катта қирғинда қатағон қилинган юртдошлар қисматини ўрганишга қаратилган ишлар ўрин олган.Шунингдек,юртдошларимизнинг мустамлака йилларида ижтимоий ҳаётда, уй-рўзғорда фойдаланилган ашё ва буюмлари музей фондидан жой олган.Музейга ташриф буюрувчилар Чор Россияси мустамлакачилиги, мустабид шўролар даври тарихи, Мустақиллик йиллари тарихи залларида 300 га яқин экспонат билан танишишлари мумкин.

Тошкент вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида Ўзбекистон ва Тошкент вилояти тарихига оид қўлёзмалар, осори-атикалар, тарихий ҳужжатлар

ўрин олган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди. Музей саккиз бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимда тарихий далилларга асосланган ҳужжатлар, фактлар ўрин олган. Музейидаги барча тарихий манбалар халқ орасидан, қатағон қурбонлари оиласи, авлодлари томонидан тақдим этилган ва музейда архив ҳужжатларидан олинган тарихий манбалар билан бойитилган.

Музейнинг Совет ҳокимиятининг коллективлаштириш ва «қулоқлаштириш» сиёсати, унинг фожиаи оқибатлари бўлимида Тошкент вилоятига сургун қилинган «қулоқ»лар ҳақида маълумотлар келтирилган. 1980 йиллардаги қатағонлар. «Пахта иши» компанияси бўлимида «пахта иши» бўйича ноҳақ жабрланган шахслар ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур бўлимдан Тошкент вилоятига оид айрим маълумотлар, экспонатлар ўрин олган.

Жумладан, Ислиддин Ҳайдаров (Тошкент вилояти Пискент туманида «Гулистон» жамоа хўжалигида 1951-1986 йилларда раислик қилганлиги, «Пахта иши» туфайли ноҳақ қамалганлиги); Турсунбой Ҳабибуллаева (Тошкент вилояти, Пискент тумани «Охунбобоев» хўжалигида агроном бўлиб ишлаганлиги ва озодликдан маҳрум этилганлиги); Тузали Мусаев (Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Ҳамроқул Турсунқулов» хўжалигида ғазначи вазифасида ишлаганлиги) 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Фарғона вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

Бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, тинч ҳамда осойишта замоннинг қадрига етиш, шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари

хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарғона давлат университетида очилган мазкур музей ҳам ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

– Вилоятимиз бўйича 10 минг 179 нафар қатағон қурбонлари аниқланиб, уларнинг 200 нафари тўғрисидаги маълумотлар, суратлар, буюмлар музейга қўйиш учун тайёр ҳолга келтирилди, – дейди “Қатағон қурбонлари” музейи директори С.Сиддиқов. – Бундан ташқари, уларнинг хотирасига бағишланган 65 дан зиёд илмий, адабий, бадиий китоблар тўпланиб, уларнинг электрон версиялари ҳозирланди. Қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот ва ҳужжатларни илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, кинофильмлар яратиш, мактабларда музейнинг филиалларини ташкил этиш борасида ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу замин, шу юрт тинчлиги учун жонларини аямай курашган ватандошларимиз номи абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган музей шўро даврида қатағонга учраган юртдошларимизнинг аянчли кунларидан садо беради, турли воқеалар, турли тақдирлар ҳақида ҳикоя қилади. Музей ёш авлоднинг ватанпарвар, ўз миллатига бўлган ҳурмат, маърифатпарвар аجدодлари ҳақида фахр ва ифтихор туйғусини шаклланишида ҳамда улар каби эл-юрти учун муносиб фарзандлар бўлиб тарбияланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Хоразм вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси”музейи

Урганч Давлат университети қошида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фонди профессор-ўқитувчилар, ёш олим ва талабалар ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида архив ҳужжатлари, Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, Ичан-Қалъа музей фонди материаллари билан бойитилди. Бу ҳақида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хабар бермоқда. Музейдан 1937 йили депортацияда Хоразм вилоятига кўчириб келтирилган корейс диаспораси вакиллари билан ҳамкорликда йиғилган материаллар ҳам ўрин олган.

Бу ерда қатағон қилинган юртдошларимизнинг тарихини тадқиқ қилиш мақсадида

илмий тадқиқот ишлари, талабаларнинг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини олиб бориш йўлга қўйилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республикадаги бошқа олий таълим муассасаларида ҳам музейларни ташкил этиш бўйича ишларни олиб бормоқда.

Қашқадарё вилояти “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида Қарши давлат университети тузилмасида музей ташкил этилмоқда. Музей Қарши шаҳридаги Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳида жойлашади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тегишли кўрсатмалари билан республиканинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган ушбу музейларда «Совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши (1926—1936)», 1937—1938 йиллардаги «Катта қирғин» оқибатлари, «1940—1950 йилларда Ўзбекистон жанубида амалга оширилган сиёсий қатағонлар», «1980 йиллардаги қатағон», «Пахта иши» кампанияси ўз аксини топади. Ўз навбатида, юрт тинчлиги учун жонини аямай курашган ватандошлар номи абадийлаштирилади.

Айни пайтда Қарши давлат университети тузилмасида ташкил этилаётган ушбу музейга шўро ҳукумати даврида қатағонга учраган ўзбекистонликларнинг фотосуратлари ва улар ҳақида маълумотлар (таржимаи ҳол, ҳужжатлари) ҳамда буюмлар қабул қилинмоқда

3.2 Бухоро давлат университетидаги музейларнинг университет фаолиятидаги ўрни.

Юртимиз тарихи, халқимизнинг бой маънавий мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш, ундан бугунги авлодни хабардор этишда музейларнинг ўрни катта. Шу боис, мамлакатимизда мазкур муассасалар фаолиятини такомиллаштириш,

уларнинг замон талаблари даражасида иш олиб бориши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ёш авлод қалбида маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни бекиёс,бинобарин, бугунги кунда музейлар нафақат халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни сақлайдиган, намоёиш қиладиган муқаддас маскан, балки таълим тизими ривожига, навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавият даргоҳиҳамдир.

1922-йилда Бухоро Халқ Жумҳурияти қарори билан Бухоро ва Чоржўйда халқ маорифи институти очилди. Бу – замонавий олий ўқув юрти ташкил этиш йўлидаги дастлабки ҳаракат эди. Ф.Хўжаев ва А.Фитрат шу институт негизида дорилфунун ташкил этиш ғояси билан чиқдилар, аммо БХЖнинг тугатилиши билан бу ғоя амалга ошмай қолди. 1930-йилга келиб эса Бухоро педагогика институти очилди. Дастлаб унинг кимё-биология ва тарих-иҷтимоиёт сингари икки бо`лимида 45 талаба таҳсил олган. 1935-йилда эса БухДПИ таркибида 2 йиллик ўқитувчилар институти ҳамда 5 бўлим фаолият кўрсатди, кейинчалик бу бўлимлар факултетларга айлантирилди. Институтнинг оёққа туришида А.Фитрат, Миёнбузрук Солиҳов, Мусо Саиджонов, Б.Чўпонзода, И.Кожин, Ф.Трудаков, П.Короленко, Н.Меркулович, В.Абдуллаев, Г.Юсупов каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир қатор ўқитувчилар ва 47 талаба кўнгиллилар қаторида урушга кетди. Бу мураккаб даврда талабаларни ўқишга кўпроқ жалб этиш мақсадида Қарши, Ғиждувон ва Шофирконда филиаллар очилди. Ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртлари даражасига кўтарилган Хоразм, Қарши ва Термиз давлат университетлари илк бор филиал сифатида БухДПИ таркибида иш бошлаган эди.

БухДПИ урушдан кейинги йилларда республиканинг етакчи илм масканларидан бири сифатида шуҳрат топди: талабалар сони 1946–1960-йилларда 521 тадан 1575 тага, 1960–1980-йилларда 7531 тага етди; олийгоҳда турли йилларда М.Мирзаев, Ш.Балавадзе, С.Алиев, М.Абдуллаев, В.Мо`минов, Н.Жабборов, Ж.Намозов, Ҳ.Неъматов, Ф.Қосимов, Б.Очилов, Р.Воҳидов, О.Сафаров, А.Атоев, О.Ёриев, Р.Раҳмонов, К.Зарипов, С.Иноятов, О.Розиқов каби фан ва маориф фидойилари

фаолият ко`рсатдилар; фаннинг кимё, физика, гелиотехника, ихтиология, фалсафа, тарих, адабиётшунослик, тилшунослик сингари йўналишлари ривож топди; 1989-йилда эса БухДПИ ҳузурида тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларида аспирантура очилди. Институт республиканинг замонавий илм-фан марказларидан бирига айланиб, 1981-йилда орден билан мукофотланди.

Тожикистон халқ шоираси, Рўдакий номидаги давлат мукофоти соҳибаси Г.Сулаймонова, халқ шоири Ж.Камол, халқ ёзувчиси Н.Аминов, Белоруссия ФА мухбир аъзоси А.Столяр, ЎзР ФА А.Навоий номидаги ТАИ директори, ф.ф.д. Т.Мирзаев, жаҳон чемпионлари С.Курбонов ва Б.Хўжаев кабиларнинг БухПИ талабаси бўлганликларини ифтихор билан қайд этиш мумкин.

Институт 1992-йилда университетга айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси 1992-йил 28-февралдаги Фармонига асосан Бухоро педагогика институтига Университет мақоми берилгач, имкониятлар янада кенгайди. Шу тариқа университет илмий имкониятлари йил сайин тўлишиб, мустаҳкамланиб борди. Бу ҳол университет ҳузурида махсус нашриёт ва илмий журнал ташкил этилишини тақозо эта бошлади. Шу ҳаётий эҳтиёжни таъминлаш мақсадида 2000-йилда университетда махсус нашриёт ташкил этилди. «БухДУ илмий ахбороти» журнали нафақат Бухоро, балки Республикамизнинг бошқа олий ўқув юртларида қизғин илмий изланишлар олиб бораётган барча тадқиқотчиларга ҳам беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Бухоро Марказий Осиёдаги энг таниқли ва чиройли шаҳарлардан бири бўлиб, бу ажойиб шаҳарнинг ўзи музей ҳисобланади, унда турли даврларга оид кўплаб маданий ва архитектура ёдгорликлари жамланган бўлиб, фақат Ўрта асрнинг 140 дан ортиқ бино ва иншоотлари мавжуд. Бухоронинг тарихий маркази, унинг диққатга сазовор жойлари билан бир қаторда, ЮНЕСКО томонидан тайёрланган Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Дарҳақиқат бизнинг Бухоро халқи ўзлиги билан фахрланса арзигулик тарихи ва маданиятига эга. Шу жумладан Бухоро давлат университети ҳам мақтанса арзигулик музейларига эга, буларга университет тарихини ўзида мужассам этган, Бухоро давлат университетининг 85 йиллик тўйи муносабати билан ташкил

этилган “Илмий-амалий музей лаборатория” ҳамда 2018 йил 18май куни очилган Бухоро Давлат унверситети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейини мисол келтириш мумкин.

“Илмий-амалий музей лаборатория” музейининг таркибидаги экспонатлар ва жиҳозлар университетнинг олдинги музейи экспонатлари базасида шакллантирилган. Музей таркибини бойитиш ҳамда уни замон талаблари асосида ташкил қилиш мақсадида илмий база барча факултетлар билан ҳамкорликда замонавий база асосида янгиланган. Бундан ташқари музейда мавжуд бўлган экспонатларни асраб-авайлаш мақсадида уларни рўйхатдан ўтказиш учун бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда инвентаризатсия ишлари амалга оширилган. Ушбу музейга ташриф буюрар экансиз, музей экспонатлари ва суратларини кўриб оқ унверситет тарихи кўз олдингизда гавдаланади. Музей деворларида унверситет ташкил этилгандан буён то ҳозиргача унда фаолият кўрсатган ректорлар ҳамда унверситетимиз тарақиёти йўлида хизмат қилган профессор-ўқитувчилар яъни меҳнат фахрийларимизнинг суратлари ва улар эришган ютуқлар экспонат сифатида намоиш этилган. Бундан ташқари талабаларнинг халқаро ва жаҳон мусобақаларида иштирок этиб эришган ютуқлари экспонат тарзида намоиш этилган ва ҳо кazo яна турли экспонатларни кўришингиз мумкин.

Бухоро Давлат унверситети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилганлигига яқинда 18 майда икки йил тўлади, шу вақт мобайнида музейда кўплаб турли ташрифлар ва маънавий-маърифий ишлар бўлиб ўтди булар нафақат музей, балки унверситетимиз фаолияти учун ҳам кўплаб имкониятларни яратиб берди, жумладан 2019 йил 21 январь бухоролик маърифатпарвар-жадид Мусожон Саиджонов таваллудининг 125 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

2019 йил 25 май куни АҚШ даги Бостон санъат музейи ходимлари Ненси Берлинер ва Тамил Симон музейи директори А.Ҳамроев билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилиб ўзаро фикр алмашишди. Шу йил 21 июнь куни БухДУ катта мажлислар залида, БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи

билан биргаликда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг 80 йиллик юбилейлари муносабати ва 6 жилдлик сайланмасининг тақдимотига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

2019 йил 16 сентябрь Бухоро давлат университети Чехиянинг Либерец техника университети иқтисодий статистика департаменти масъул ходими Карина Татек Бенетти раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Чехиялик меҳмонлар Бухоро давлат университети тузилмасидаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф буюриб, бу ерда жамланган экспонатлар билан танишдилар. Музей ходимлари ва меҳмонлар ўртасида кичик давра суҳбати бўлиб ўтди.

2019 йил 15 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига кўра 2019-2020 йилларда Бухоро вилоятида ушбу концепциясини ижросини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу чора-тадбирлар режаси асосида Бухоро давлат музей-кўриқхонаси «Кўчма кўргазмалар» бўлими ходимлари томонидан Бухоро давлат университетида «Мозий ва бугун» деб номланган кўчма кўргазма намойиш этилди. Кўргазма Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 5 муҳим ташаббуслари доирасидаги тадбир бўлиб, БухДУ Санъатшунослик факультети, БухДУ тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бундан ташқари кўплаб ташрифлар, маданий–маърифий тадбирлар ҳамда кўргазмалар бўлиб ўтган, шу ўринда савол туғилади, музейлар ва улардаги ташрифлар, маданий–маърифий тадбирлар ҳамда кўргазмаларнинг университет фаолиятидаги ўрни нимада? Уларнинг ўрни бекиёс жумладан “Илмий-амалий музей лаборатория”сига келадиган бўлсак бу музей университет тарихини ўзида мужассам этган бўлиб, зеро тарихий хотирасиз келажак йўқ яъни музей университет фаолияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилади ва университетда таҳсил олаётган ҳар бир талаба қалбида фахр туйғусини уйғотади.

БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи қисқа фурсатларда кўплаб ютуқларга эришди ва университет фаолиятига катта ҳисса

қўшди, жумладан музей бир қатор давлат музейлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Полша, АҚШ, Хитой, БАА, Австрия, Германия ва Россия давлатлари шулар жумласидандир. Ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, музей директори А. Ҳамроевнинг 2018 октябр ойида Полша давлатига, 2019 декабрда Хитой сафари ва музей ходими Б. Қурбоновнинг Германия музейида амалиёт ўтаб келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. 2019 йилнинг 30 январ - 3 феврал кунлари Москва давлат халқаро муносабатлар (МГИМО) институти илмий ишлар бўйича проректори Евгений Михайлович Кожокин БухДУга ташриф буюриб, БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фондлари ва экспозицияси билан яқиндан танишди. Т.ф.д., профессор Евгений Михайлович Кожокин томонидан суратга олиниши режалаштирилаётган “Абдувоҳид Мунзим ва унинг авлодлари” номли филмда мазкур Музей экспозициясида сақланаётган ўта қимматли суратлардан фойдаланган ҳолда, ҳамкорликда ҳужжатли филм яратишга келишиб олинди.

3.3. БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳамда унинг олиб борган фаолияти.

БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги №936-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Музей экспозициялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архив фонди материаллари, ЎзРМДА ҳужжатлари, ЎзР кинофотофоно ҳужжатлари МДА материаллари, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаси Нодир қўлёзмалар фонди китоб ва альбомлари, Бухоро вилоят давлат архиви ҳужжатлари, Бухоро вилоят музей-қўриқхонаси фонди ҳужжатлари, шахсий коллекциялари (М.Авезжоновнинг невараси Ш. Саиджонов ва М.Авезжоновнинг оилавий архив ҳужжатлари, суратлари ва ҳоказо) асосида тўлдирилди.

Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Музей экспозициясидан XIX асрга оид осир-атиқалар, қимматли архив ҳужжатлари, фото ва кино ҳужжатлар ўрин олган. Мустақиллик залида “Ислом Каримов бухороликлар хотирасида” деб ном олган экспозиция ҳам жой олган бўлиб, ушбу фоно ва ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида бир қанча чора тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимги ёзма ёдгорликларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли қарорининг ижроси бўйича Бухоро давлат университетида мавжуд қўлёзма ва тошбосма асарларнинг сақланиши ҳолати бўйича илк илмий-амалий ишлар амалга оширилди.

2019 йилда Мусо Саиджонов ва Германияда ўқиганлар тарихи кенг тадқиқ қилинди. Мусо Саиджоновнинг шахсий коллекциясидан намуналар экспозицияси ташкил қилинди. “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда Мусо Саиджонов ҳақида “Маърифатга бахшида умр” номли фильм яратилди. А.Ҳамроев ушбу фильмни яратишда илмий консультант сифатида иштирок этди. Фильмни яратиш жараёнида музей экспонатларидан кенг фойдаланилди. 2019 йилнинг 6-7 декабрь кунлари Ўзбекистон тарихи телеканали БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида бўлиб, музей экспонатлари ва “Улар Германияда ўқиган эдилар ...,” деб номланган экспонатлар ҳақида суратга олиш ишларини олиб бордилар. Келажакда ушбу ҳужжатли-бадний фильмнинг ўзи экспозициядан ўрин олиб, ташриф буюрувчиларга намоёиш этилиши назарда тутилган.

Музей фондини тулдириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Фонд китоблар, фотосуратлар, буюмлар орқали тулдириб бориляпти. Жумладан Улар

Германияда ўқиган эдилар бўлими учун Раҳматжон ва Муҳаммаджон Авазжоновлар га оид материаллар фотосуратлар билан, 1940 йилларда қатағон қилинган Абдулла Пўлатов нинг фотосуратлари ,Польша Республикасидан олиб келинган шўролар даврига оид китоблар билан тулдирилди. Шу билан биргаликда Университет ўқитувчилари ва талабалари томонидан тақдим этилган экспонатлар музей фондини бойитишга хизмат қиляпти.

Йил давомида турли буюмлар, жумладан сопол кузалар, ёзув машинкаси, фотосуратлар, қўлёзма асарлар ва бошқа буюмлар музей фондига қабул қилинди. Бу буюмлар, китоблар музей директори А.Ҳ. Ҳамроев, БухДУ кимё кафедраси доценти Г. Худойназарова ,Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Юсупова М. ва тарих факультети талабалари томонидан музейга топширилди.

Хар бир экспонат далолатнома орқали расмийлаштириб, инвентаризация ва қирим китобига ёзиб бориляпти. Инвентаризация ва қирим китоблари мавжуд. Фонд хоналари керакли анжомлар билан жиҳозланган. Шкаф, стол, стул, компьютер, принтер, сканер билан жиҳозланган.

Музей томонидан ўтган йиллар давомида кўплаб илмий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жумладан: 2018 йил 18 май Халқаро музейлар куни мунособати билан БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари музейи директори Б.В. Ҳасанов, вилоят ҳокимлиги вакиллари, “Нуроний”, “Маҳалла” хайрия жамғармалари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва қатағон бўлганларнинг оила-аъзолари иштирок этдилар. Шу йили 4 сентябр куни 20 мага яқин Япониялик талабаларга “Қата террор йилларида Бухоро” мавзусида маънавий маърифий тадбир ўтказилди. Музей директори А. Ҳамроев маъруза қилиб музей бўйлаб экскурсия уюштирди. 10 сентябр Туркиялик бир гуруҳ олимлар ва Туркия телеканали учун “Қатағон қурбонлари бўлган жаҳид намояндалари” мавзусида маънавий маърифий тадбир ташкил қилинди. Бундан ташқари 27 сентябр куни Польша Республикаси вазири, Польша Республикасининг

Ўзбекистондаги фавкулотда ва мухтор элчиси, Польша Республикаси “Қатағон қурбонлари хотираси институти” масъул ходимлар, Бухоро вилоят ҳокимлиги масъуллари, Бухду ректори иштирокида “БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг” танкил топиши ва унинг мақсад вазифаларига бағишланган маънавий маърифий тадбир бўлиб ўтди.

2019 йил 2 май Бухоро Вилоят ҳокимлиги, Вобкент туман ҳокимлиги, Ўзбекистон тарихчилар жамияти Бухоро вилоят бўлими, БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи билан биргаликда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг 6 жилдлик сайланмасининг тақдиротида бағишланган “Китобхонлик маданияти — инсон ва жамият маънавияти кўзгуси ” деб номланган маданий — маърифий тадбир ўтказди.

2019 йил 20- август Исроил давлатининг Холон университети музейшунослари БухДУга ташриф буюрдилар. Меҳмонлар иштирокида илмий-анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори Ҳамроев Азалшоҳ Ҳазратович "Бухоро тарихини яратишда музей экспонатларининг аҳамияти " мавзусида маъруза қилдилар. Шунингдек, Ҳамроев Азалшоҳ Ҳазратовичнинг Бухоро ҳақида яратилган китоблари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

2019 йил 27 август 2018 йил октябрь ойида Шавкат Мирзиёев Парижда Одри Азуле билан учрашуви доирасида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинган. Ушбу ҳужжат муносабатларни янги босқичга кўтариш, томонлар олдида турган вазифаларни биргаликда янгича ёндашувлар ёрдамида ҳал қилиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни кўзда тутди. ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хоним Бухоро шахрига ташрифи доирасида БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори Ҳамроев Азалшоҳ Ҳазратович билан ҳам учрашиб, “Бухоро ҳунармандчилиги дурдоналари” китобининг тақдиротида иштирок этди.

Бухоро давлат университети Чехиянинг Либерец техника университети иқтисодий статистика департаменти масъул ходими Карина Татек Бенетти раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Меҳмонларни университет ректори О.Ҳамидов кутиб олди. Учрашувда икки томонлама халқаро алоқалар муҳокама қилиниб, келгусида ҳамкорликда ишлаш вазифа ва режалари белгилаб олинди. Шунингдек, “Ерасмус+” дастури асосида талабалар алмашинуви борасида келишувлар амалга оширилиши кутилмоқда. Чехиялик меҳмонлар шунингдек, Бухоро давлат университети тузилмасидаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф буюриб, бу ерда жамланган экспонатлар билан танишдилар.

2019 йил 20 сентябрь Япония давлатидан ташриф буюрган меҳмон Кумико Таншо хоним БухДУ кутубхонисида нодир кўлёзма ва тошбосмалар билан танишиб чиқди. Университет музейи ва БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи меҳмонда катта таассурот қолдирди.

29.01.2020 йил. Туркия Республикасидан ташриф буюрган меҳмонлар магистратура талабаси ўз диссертация иши бўйича Бухородаги барча музейлар қатори БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига ҳам ташриф буюрди ва музей билан яқиндан танишиб, музей тўғрисида ўз фикрини билдирди. Жорий йилнинг 30 январида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ва БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи билан ҳамкорликда музейда “Ислом Каримов - истиқлол меъмори” мавзусидаги маънавий маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Набиева Шохиста Тошпулатовна, партия аъзолари, БухДУ талабалари иштирок этдилар. Тадбирда фонд сақловчиси Махбуба Ашурова томонидан музейга экскурсия уюштирилиб Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятига оид хотиралар ёдга олинди. Тадбир якунида ХДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан бир қатор талабалар ва музей ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

1.02.2020 йил Бухоро телеканали, БухМТИ ҳамда Қатағон қурбонлари хотираси музейи билан ҳамкорликда Фитрат тўғрисида кўрсатув тайёрланди. Шуйили

юртбошимиз томонидан “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили сифатида” эътироф этилиши бу борадаги ишларга қанот берди, десак муболаға бўлмайди.

Қадимдан илм-маърифатўчоғи бўлган Бухоро шаҳрида жорий йилнинг 1 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташаббуси билан республика тарихида илк маротаба Бухоро давлат университетида “Бухоро вилоятини инноватсион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида ҳудуднинг илмий ва инноватсион салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган республика миқёсида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Инноватсион ривожланиш вазири ўринбосари О.Тўйчиев, Бухоро вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Ш. Шарофиддинов, Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари К.Давронов ҳамда республикамизнинг барча олий та’лим муассасаларидан илмий ишлар ва инноватсиялар бўйича проректорлари, илмий ташкилотларнинг илм-фан бўйича директор ўринбосарлари ҳамда республика ОТМларидан 130 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Анжуманни БухДУ Илмий ишлар ва инноватсиялар бўйича проректори О.С. Қаҳҳоров кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодий тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инноватсион технологияларни жорий этиш мамлакатимиз ривожланишида муҳим ўрин касб этади дея таъкидлаб ўтди. Такдим этилаётган илмий-назарий ечим, аниқ тавсиялар қизғин муҳокама этилди. Анжуман иштирокчилари университет музейида ҳам бўлдилар, уларга БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори А.Хамроев ва М.Ашурова ҳамроҳлик қилдилар.

Музей ўз фаолияти ҳамда олиб борган ҳамкорликларини давом эттирган ҳолда университетимиз салоҳиятида катта ҳисса қўшмоқда ва фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ўз олдига кўплаб мақсадларни қўйган, жумладан:

- Музейни янги экспозиция билан бойитиш мақсадида ОАВ орқали кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

- Қатағон қурбонлари бўлганларнинг оиласида сақланиб қолган осори-атиқаларни сотиб олиш;

- Пуллик тушумни ташкил қилиш мақсадида туристик маршрутга киритиш;

- Илмий конференцияларни жонлантириш;

- Халқаро алоқаларни кенгайтириш каби қатор ишларни йўлга қўйишга эътибор қартиш

- Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг “Мустақиллик зали”ни янги экспозициялар билан тўлдириш ишларини келгуси йилда тўлиқ амалга ошириш.

III боб бўйича хулоса: Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилингандан кейин мамлакатда амалга оширилган хайрли ишлардан бири чор ва совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50 йилларида “халқ душмани” сифатида қатағон этилган ва шу сабабли номлари ўзбек халқи ҳамда маданияти тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатни тиклаш бўлди ва 2002 йил 31 августда – мамлакатда илк бор нишонланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни”да Қатағон қурбонлари хотираси музейи тантанали равишда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 22 ноябрдаги 936-сонли қарорига кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди ҳамда барча вилоятлардаги олийгоҳларда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи филиаллари ташкил этилди. Шу жумладан БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ҳам 2018 йил 18 май Халқаро музейлар кунида очилди. Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилганлигига кўп ўтмай, кўплаб ҳамкорликларни йўлга қўйиб унверситет фаолияти йўлида хизматда бўлиб, уни жаҳон мамлакатларига танитмоқда. Бундан ташқари ушбу музейлар унверситет талабаларининг амалиёт дарслари учун ҳам яқиндан қўмаклашиб келмоқда ва уларда катта таъсурот қолдирмоқда. Шунинг ҳам алоҳида такидлаш жоизки музейларимиз нафақат унверситет талабарига балки бошқа институт талабалари , мактаб ўқувчилари ва турли ёшдаги қизиқувчан аҳоли қатламларига ўз фаолияти билан хизмат қилмоқда, бу эса унверситетимиз равнақи йўлида катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти такомиллашувининг илмий-амалий асослари ва жаҳон музейшунослигидаги тутган ўрнини БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи мисолида, тадқиқот сўнгида қуйдаги якуний хулосаларга келинди.

1. Мамлакатимизда илк музейларнинг вужудга келиши, узоқ ўтмишимизга бориб тақалади, яъни ота боболаримиз бизга қолдирган, маданият ўчоқлари, қадимий қўлёзмалар, осори-антиқалар, меъморий обидалар бўлиб, улар бизларга ҳамиша кимлигимизни эслатиб, ўзлигимизни йўқотмай ота-боболаримиз қатори ватан учун фидойий инсон бўлиб етишишимиз йўлида хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм юқори даражада илгарилаб ўсди, албатта буларнинг барчасига кўплаб машаққатлар билан эришилди. Бу машаққатлар ортида президентимизнинг олиб борган ишлари катта аҳамиятга эга, чунки улар ватанимизнинг равнақи ва тинчлиги йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамдўстлик ҳамда манфаатли шартномаларни имзолаб, халқимиз учун кўплаб имкониятлар йулини очиб бермоқдалар, шунинг учун бизлар бу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиб ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоғимиз лозим.

2. Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга олгач ундаги музейлар ҳам илмий-амалий жиҳатдан такомиллашиб борди, яъне тобора янгиланиб, кўпайиб борди. Бундай ўзгаришлар эса мамлакатимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, музейлар ва тарихий ёдгорликлар келажагимиз пойдевори сифатида хизмат қилади. Музейлар ёш авлод тарбияси ва мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга, зеро у ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Дарҳақиқат, музейлар мозийнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган ҳолда халқаро маданиятни, кадриятларни тараннум этувчи маскан ва давлатларни бир-бирига яқинлаштирувчи куприкдир. Бундан кўриниб турибдики биз учун ўтмиш тарихимизни сақлаб келаётган музейларнинг фаолияти жуда муҳим ва биз

ёшлар уларни асраб келажак авлодга етказишимиз лозим, зеро музейлар ўтмишдан садо берувчи кўзгу ва халқнинг юксалиши учун катта аҳамиятга эга. Бухоро ҳам шундай неча минг йиллик тарихга эга музей шаҳар ҳисобланиб, ўзининг бетакрор ёдгорликлари билан бутун дунё аҳлини ўзига жалб этиб жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

Бизнинг қадимий Бухоро шаҳри ҳам ўзининг бетакрор обидаларию ажойиб музейлари билан бутун дунёни ўзига жалб этиб, жаҳон музейшунослиги ва туризм соҳасида катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан: Бухоро эски шаҳар мавзесида жойлашган қадимий ёдгорликлари ҳамда музейлари бутун дунёни ўзига қаратиб, жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

3. Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилингандан кейин мамлакатда амалга оширилган хайрли ишлардан бири чор ва совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50 йилларида “халқ душмани” сифатида қатағон этилган ва шу сабабли номлари ўзбек халқи ҳамда маданияти тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатни тиклаш бўлди ва 2002 йил 31 августда – мамлакатда илк бор нишонланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни”да Қатағон қурбонлари хотираси музейи тантанали равишда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 22 ноябрдаги 936-сонли қарорига кўра барча вилоятлардаги олийгоҳлар тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди ҳамда барча вилоятлардаги олийгоҳларда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи филиаллари ташкил этилди. Шу жумладан БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ҳам 2018 йил 18 май Халқаро музейлар кунида очилди. Музей 3 та залдан иборат бўлиб, 1865 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Хулоса қилиб, айтадиган бўлсак БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилганлигига кўп ўтмай, кўплаб ҳамкорликларни йўлга қўйиб

унверситет фаолияти йўлида хизматда бўлиб, уни жаҳон мамлакатларига танитмоқда. Бундан ташқари ушбу музейлар унверситет талабаларининг амалиёт дарслари учун ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда ва уларда катта таъсурот қолдирмоқда. Шунинг ҳам алоҳида такидлаш жоизки музейларимиз нафақат унверситет талабарига балки бошқа институт талабалари, мактаб ўқувчилари ва турли ёшдаги қизиқувчан аҳоли қатламларига ўз фаолияти билан хизмат қилмоқда, бу эса унверситетимиз равнақи йўлида катта аҳамиятга эга.

Музей экспозициясидан XIX асрга оид осирини-атикалар, қимматли архив ҳужжатлари, фото ва кино ҳужжатлар ўрин олган. Мустиқиллик залида “Ислом Каримов бухороликлар хотирасида” деб ном олган экспозиция ҳам жой олган бўлиб, ушбу фоно ва ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Музей экспозициялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи архив фонди материаллари, ЎзРМДА ҳужжатлари, ЎзР кинофото фоно ҳужжатлари МДА материаллари, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаси Нодир қўлёзмалар фонди китоб ва альбомлари, Бухоро вилоят давлат архиви ҳужжатлари, Бухоро вилоят музей-қўриқхонаси фонди ҳужжатлари, шахсий коллекциялари (М.Авезжоновнинг невараси Ш. Саиджонов ва М.Авезжоновнинг оилавий архив ҳужжатлари, суратлари ва ҳоказо) асосида тўлдирилган.

Мен олиб борган тадқиқотим давомида музейдан жой олган баъзи бир маълумоти аниқланмаган экспонатларни музей ходими археолог Қурбонов Бехруз ёрдамларида, музейининг экспозицион, фонд ва илмий фаолияти маҳаллий музейшунослик тарихида биринчи маротаба атрофлича таҳлил қилиндик, ушбу “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи экспонатлари ўрганилиб, махсус тадқиқ этилмаган буюмларнинг илмий-тавсиф паспортини тайёрландик ва музейга топширилдик.

Булардан: XIX аср охири XX аср бошларида Россияда ишлаб чиқарилган силанган сопол ваза, хитой чинисига тақлидан безатилган, Чор Россияси мустамликачилиги даври, бўйи 16 см, доираси 47 см, таг қисми диаметри 12 см, диаметр венчика 7.5 см, ташкил этади. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода ясалган мис қоришмасидан тайёрланган офтоба, бир неча марта таъмирланган, дастаги сақланмаган, кул ювиш учун ишлатилган, бўйи 40 см, доираси 53 см, таг диаметри 11 см ташкил этади. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода ясалган мис қоришмасидан тайёрланган кўза, сув тошиш мақсадида ишлатилган, бўйи 41 см, доираси 68 см, таг диаметри 19.5 см ни ташкил этади, ва ҳо казо бундан ташқари бошқалар маълумоти аниқланиб музейга топширилди.

Бухоро давлат университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи келгуси 2021 йилда Ўзбекистон мустақиллиги учун жонини фидо қилган Файзулло Хўжаев таваллудининг 125 йиллигини нишонлаш мақсадида тарғибот ишларини олиб бормоқда, мен ҳам уларга яқиндан кўмаклашиб келмоқдаман, жумладан: Ф. Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган Халқаро конференция ташкил этиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ва БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи билан ҳамкорлик янги бадий хужжатли филм яратиш каби бошқа мақсадлар самарадорлигини ошириш мақсадида кўплаб тарғибот ва ташфиқот ишларини амалга ошириш, музей тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтларига киритиш, музей тўғрисида умумий маълумот берувчи информатсион китобларни жорий қилиш ҳамда сотувга чиқариш каби таклифларни киритишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.” Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
2. Биринчи президентимиз Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Ўзбекистон. 1998-32бет.
3. Биринчи президентимиз Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.- Тошкент: Маънавият. 2008-120 бет
4. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган "Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида қарори" Халқ сўзи. 1994 йил 24 декабрь
5. Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида”ги қарори.// Халқ сўзи// 1998 йил 15 март.
7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “Об упорядочении вопросов вывоза и ввоза культурных ценностей в Республике Узбекистон” от 23марта 1999 года // Правда Востока, 24 марта 1999 года.
8. “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил- № 37-38, Бетлар 12-20.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Тошкент ПФ-5611. 2019 йил 5 январь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида. Т, 2019 йил, 5 январь.
11. 2017-2021 йиллар Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони 1 илова [http://www.lex/uz](http://www.lex.uz)

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Альмеев Р.В. Бухара-город музей.- Ташкент: Фан, 1999 -205 стр.
2. Альмеев Р.В. Музей Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент: Издательско полиграфический дом имени Тафура Гуляма. 2007. 268с
3. Бекмуродов М, Рашидова М. Музейшунослик.. – тошкент, Ворис Али, 2006.- 102б.
4. Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник.- Ташкент. Госиздат, 1961,-182с.
5. Жигульский З. Музеи мира введение в музееведение.- Москва: Искусство, 1989г.,-25.
6. Жумаев Қ.Ж. Ситораи Мохи Хосса. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти
7. Барнобек Эшпўлатов. Бухоро шарқ дурдонаси. Тошкент. Шарқ нашриёти 1997 й
8. Арслонова Ф. Алиев Р. Қадимги Бухоронинг музейлари 2015й
9. А. Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. Тошкент. Фан нашриёти 1991й
10. А. Муҳаммаджонов. Бухоро шарҳи 2500 ёшда. Тошкент. Фан нашриёти 1998 й

11.Аҳтам Аҳмедов. Бухоро музейларидаги қадимги қўлёзма дурдоналар.Дурдона нашриёти 2017 й

12.Нусратилло Наимов.Бухоро жадиidlари.Тошкент. Фан нашриёти 2000 й

13. Нусрати́ла Наимов .Мари́фатга бағшида умр . Дурдона. 2018 й

14. БолтаевБ.Б. Музейшунослик. Бухоро: Дурдона, 2016.— 88 б.

15. Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси. Бухоро, 2000 й.

ФОЙДАНИЛГАН БОШҚА АДАБИЁТЛАР:

Интернет сайтлар

1.[www.o'zbek muzeyi. uz](http://www.o'zbekmuzeyi.uz)

2. [www. Buxoro muzey.uz](http://www.Buxoromuzey.uz)

3. [www. boqiy buxoro.uz](http://www.boqiybuxoro.uz)

4. [www. uzbekturizm.uz](http://www.uzbekturizm.uz)

5. [www.qatag'on qurbon.uz](http://www.qatag'onqurbon.uz)

6. www.ziynet.uz


7. [www. kitob.uz](http://www.kitob.uz)

ИЛОВАЛАР


1994 йилда Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилди



1996 йилда Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди



Ташқи кўриниши



Ички кўриниши

Қорақалпоқистон И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи



Оқсарой қароргоҳи музейи



Олимпия шон-шухрати музейи



Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи



Амалий санъат музейи



Самарқанд “Регистон мажмуи”



БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ


МУЗЕЙЛАР ВА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР



- Ситрон Умар-Насири халқ ақоли бек сарофи музейи.
- Ташкент сарофи музейи.
- Ғафлар музейи.
- Абу Али ибн Сино мадраса музейи.
- Рӯстам тарихи музейи.
- Ўш сарофи халқ ақоли бек сарофи музейи.
- Қалъаси Ғафлар тарихи музейи.
- Навоий-Дустар мадраса музейи.
- Қўлқончи ва Нарзис тарихи музейи (Ховаро).

- Навоий тарихи музейи.
- Бухоро ҳаёт тарихи музейи (Ташкент Анди).
- Бухоро ҳаёт тарихи музейи (Ташкент).
- Ташкент тарихи музейи (Ташкент).
- Мутал барқаси (Ташкент).
- Бухоро қалъаси тарихи музейи (Ташкент).
- Бухоро қалъаси тарихи музейи (Ташкент).
- Қўлқончи сарофи тарихи музейи (Ташкент).
- Арқ ақоли тарихи музейи.

Хоразм “Калта минор”





Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи

Бухоро давлат университети тузилмасидаги катагон қурбонлари хотираси музейи



ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хоним Бухоро шахрига ташрифи



Чехиянинг Либерец техника университети вакиллари



Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол



АҚШ даги Бостон санъат музейи ходимлари Ненси Берлинер ва Тамил Симон





Қатағон қурбонлари хотираси музейи билан ҳамкорликда музейда “Ислом Каримов -истиклол меъмори ” мавзусидаги маънавий маърифий тадбир ўтказилди.



Туркия Республикасидан ташриф буюрган меҳмонлар



Олиб борилган тадқиқотик ишлар



Бухоролик катагон қурбонлари

